O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 4-iyun, chorshanba | № 45 (7550)

Da'vat

O'z qadr-qimmatini anglash aqlli odamni yanada kamtarin, shuning bilan birga yanada sabotli qiladi.

Filipp CHESTERFILD

Ibrat

Andijon viloyatida bo'lib o'tadigan "Barkamol avlod" sport musobaqalari arafasida Qo'rg'ontepa tumanida 1000 o'rinli kurash maydoni qurilib, ishga tushirildi.

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-31 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Москва, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитларида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда иштирок этди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

29 май куни бўлган Москва учрашувининг умумий натижаси — ШҲТни халқаро ташкилот сифатида шакллантириш жараёни ниҳоясига етди. Президентлар ташкилот органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни, эмблема ва байроғини тасдиқлади. Ташкилот органлари фаолиятига доир молиявий масалаларга аниқлик киритилди.

Ислом Каримов Москвага жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервьюсида, Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзоликдан кўзлаган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирига муносабатини атрофлича шарҳлаган эди. Мамлакатимиз манфаатлари хавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этади. Бу хусусда ШҲТ аъзоларининг қарашлари фарқ қилмайди.

Лекин Ислом Каримовнинг фикрича, ШҲТнинг ривожланиши учун фақат шу масалаларга эътибор қаратиш билан чекланиб бўлмайди. Ташкилотни турли сиёсий ўйинлардан, бошқа давлатларга қарши қаратишга уринишлардан, ҳар хил гуруҳбозликлардан сақлаш керак. Ҳамкорлик очиқлик ва тенглик тамойиллари, аъзо мамлакатлар ва уларда яшовчи халқлар манфаати асосида қурилиши керак. Акс ҳолда, келишмовчиликлар юзага келиб, фақат саммитларда баландпарвоз гаплар айтиладиган, аксарияти қоғозда қолиб кетадиган ҳужжатлар имзоланадиган ташкилотга айланиб қолиши мумкин.

ШҲТнинг Москва саммити ташкилотнинг шаклланиш жараёнига нуқта қўйибгина қолмай, унинг аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган тузилма эканига тасдиқ ҳам бўлди.

Шу маънода, Президентимиз Тошкентга қайтиш чоғида журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ислом Каримов бу таъкидни журналистларга ҳали маълум бўлмаган бир неча янгилик билан изоҳлади.

(Давоми 2-бетда)

Муҳтарам Раис жаноблари!

Ҳурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари,

Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шахсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва ушбу анжуманнинг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ўз мамлакати номидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида илк бор иштирок этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаони қутлаш ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чуқур, самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШҲТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворини яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларни муҳокама этиш ва тайёрлаш чоғидаги амалий, дўстона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШҲТнинг Ижрочи котиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дэгуан номзодини қўллаб-қувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббускорлик тилаймиз.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган қўламлари, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ОТАХОН МАКТАБГА НЕГА КЕЛДИ? 2-бет

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК 3-бет

МАСЪУЛИЯТНИ ОҚЛАЯПМИЗМИ? 5-бет

КИТОБНИ СЕВГАН КАМ БЎЛМАЙДИ 6-бет

НОЁБ ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ КИМЛАР ЭДИ? 8-бет

«ЗАКОВАТ» СКАНВОРДИ 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

OLIY MAJLISDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisida parlamentning Byudjet, bank va moliya masalalari qo'mitasi hamda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan tashkil etilgan «Davlat moliyasini boshqarishni isloh qilish» mavzusida davra suhbati bo'lib o'tdi. Kun tartibidagi masalalar bo'yicha Jahon banki eksperti Ronald Klark, AQSH g'aznachiligi maslahatchisi Ilona Kastro, Jahon valyuta fondining maslahatchisi Jon Zoxrab, Avstraliyaning Siyosat yo'nalishlarini ishlab chiqish va rejalashtirish kompaniyasining konsultantlari Les Xenning va Tomas Marshelo kabi xalqaro moliya institutlarining vakillari asosiy maruzachilar sifatida so'zga chiqdilar.

HAMKORLIK MUSTAHKAMLANMOQDA

O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining bir guruh mutaxassislari Moskva shahrida bo'lishdi. Tashrifdan asosiy maqsad favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bartaraf etish masalalari bo'yicha hukumatlararo aloqani yanada mustahkamlashdan iborat edi. Tashrif davomida O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vaziri B. Subanov Rossiya Federatsiyasi Favqulodda vaziyatlar vaziri S. Shoygu bilan uchrashdi.

YANGI KORXONA

Romitan tumanidagi Qalaychorbog'qishiog'ida «Imidj-tekstil» korxonasi barpo etildi. Mas'uliyati cheklangan jamiyat sifatida ish boshlagan bu sanoat korxonasi 11 nafar fuqaroning poy mablag'i va «Zamin-bank»ning Buxoro filialidan olingan kredit hisobiga tashkil etildi. Korxona asosan xom surpni oqartirib unga gul bosish, chit ishlab chiqarishga moslashgan. «Imidj-tekstil» yiliga bir million pogonometr mato ishlab chiqarish quvvatiga ega.

(Давоми 2-бетда)

ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛАЙДИ ҚЎШИҚ

Навоий шаҳрида бир ҳафта давом этган "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика қўшиқ байрами дилларни дилларга санъат жозибаси ила боғлади, ватан муҳаббатини улуғлади десак муболаға бўлмас. Байрамнинг сўнгги куни Навоий шаҳридаги буюк мутафаккир номи билан аталувчи истироҳат боғида якуний гала концерт бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонларни вилоят ҳокими Б.Рўзиев ва Республика халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев қутлаб, тадбир иштирокчиларига ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар.

Қутловлардан сўнг кўрик-танлов ғолиблари эълон қилиниб, уларга мукофотлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, халқ таълими вазирлигининг рағбатлантирувчи мукофоти Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидан келган бадиий жамоаларга топширилди. Тошкент вилояти, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Андижондан ташриф буюрган ёш санъаткорлар Халқ таълими вазирлигининг III даражали дипломи соҳиби бўлишди. Вазирликнинг II даражали дипломига Қорақалпоғистон, Самарқанд, Фарғона ва Наманган вилояти жамоаларнинг чиқишлари лойиқ деб топилди. I даражали диплом эса, Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Олий соврин —"Гран-при"га Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Қори Ниёзий номидаги мактабнинг "Бинафша" хор гуруҳи сазовор бўлди.

Мукофотлар топширилгач, Навоий ҳайкали пойидаги саҳнада гала концерт дастурлари давом этди. Айниқса томошабинлар Тошкент шаҳридаги "Севинч" гуруҳи ижро этган "Азиз шаҳрим Навоий" қўшиғига, навоийлик ёш рақкосалар чиқишига, Наманганнинг "Меҳригуй" болалар фольклор дастаси ва Мингбулоқ туманидан 3-синф ўқувчиси Нуриддин Ҳусанов маҳоратига хоразмлик лапарчи қизларнинг чиқишларига қизғин олқишлар билдирдилар.

"Бинафша" хор гуруҳи ижро этган "Ватанни сев", Камол Раҳмон шеъри, Нилуфар Самадова мусиқаси билан айтилган "Ўзбекистон", Нормурод Нарзуллаев шеъри, Г.Қўчқорова мусиқаси билан айтилган "Умид ниҳоллари" қўшиқлари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Юзлаб ўқувчиларнинг гўзал чиқишлари мужассамлашган гала концертни ўтказишда Халқ таълими вазирлиги маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси ходимлари ва бадиий раҳбар Г.Қўчқорова бош режиссёр З.Ғиёсова бош балейтмейстр сифатида маҳорат билан иш олиб боришди.

... Ўзбекистон қўшиқ байрами якунланди. Лекин бу байрам минглаб ўқувчи ёшларнинг кўнглига дўстлик, ўзаро меҳр-муҳаббат ришталарини боғлади. Дилларда она юрт ифтихори, ғурури яна-яна чуқурроқ жой олгандай бўлди. Бу туйғу дунёни яшнатиб, оламни асрагай...

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

O'zbekiston — vatanim manim

Jarayon

АТТЕСТАЦИЯ — СИНОВ ДЕМАКДИР

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш, умумий ўрта таълим муассасаларида 2002-2003 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синф ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш бўйича ХТВнинг 2003 йил 24 мартдаги 42-сонли буйруғи асосида ўқувчиларни синфдан синфга кўчириш тартиблари ҳамда йўриқнома ишлаб чиқилди. Шу асосда РТМ томонидан имтиҳон материаллари ва методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди. Шунингдек, мутахассислар томонидан пойтахт мактабларида имтиҳонлар жараёни кузатилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Шу мақсадда биз пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 195-умумий ўрта таълим мактабида бўлдик. Бу ерда 9-синф битирувчилари она тили ва адабиёт фанидан ёзма иш ёздилар. Улар ёзма иш талабига асосан матнга боғлаб режа тузишди.

Ўқувчилар имтиҳонда кўтаринки руҳда қатнашдилар. Синов соат 8°° дан 11°° гача давом этди. Ўқувчиларнинг имтиҳон қонун-қоидаларига амал қилишлари қатъий назорат қилинди.

Бизни хурсанд қилган томони шундаки, ўқувчилар "Куч — билим ва тафаккурда" мавзусида баён ёзиш жараёнида ўз фикрларини эркин баён этдилар. Бу эса устозларининг меҳнати зое кетмаганини англатарди. Улар ёзма ишларида халқ мақоллари, мамлакатимиз раҳбари сўзларидан ўринли фойдаланишди. Хуллас, ўқувчиларнинг ўз вақтида илм олган инсон ҳеч қачон хор бўлмаслигини тушуниб етганликлари маълум бўлди.

Ўқувчиларнинг ўз фикрларини батафсил баён қилаётганликларини кўриш ҳар бир ўқитувчига завқ бағишлайди ва у бу йиллар давомида берган ўгитларининг ҳосили эканидан бахраманд бўлади.

Айниқа, 9-"А" синф ўқувчилари Дилфуза Ниёзмуҳамедова ва Луиза Саҳобиддиновалар ёзган баён барчага манзур бўлди. Мана Дилфуза ва Луиза ёзган баёнлардан олинган парча: "Бир вақтлар Мисрда ака-укалар яшар эди. Улардан бири илм ўрганди, изланди, билимини оширди ва замонасининг буюк олими бўлди. Бошқаси бойлик орттирди. Ака олим ва мутафаккир бўлиб етишди, аммо фақирона ҳаёт кечирарди. Ука эса маънан қашшоқ, лекин бой, мол-давлатга эга кишига айланди. Бойликка ҳирс қўйган ука акасини менсимас, унга доимо бойлик ҳамма нарсадан устунлигини айтиб, жеркар ва камситар эди. Ака эса бунга парво ҳам қилмай, ўзини мағрур тутар ва шундай жавоб берар эди: "Тушунмасдан оғзингга келган гапни айтма, мен илм шарбатидан ича олдим. Бу дунёда илмдан буюк салтанат йўқдир. Сен бу дунёда йиққан бойликларингни нариги дунёга олиб кета олмайсан, сен тўплаган мол-давлатлар бошқалар учун. Сен нариги дунёда бўладиган савол-жавоблардан қўрққин. Мен оёқ остида чирқираган бир қушча каби хокисорман, сен ҳаммани чақмоқчи бўлган қовоқ ари кабисан".

(Давоми 3-бетда)

МУСОБАҚАЛАР УЧУН ҲАММА НАРСА ТАХТ

АНДИЖОНЛИК МЕЗБОНЛАР ҒУРУР-ЛА ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

Мамлакатимиз ёшларининг саломатлигию баркамоллиги йўлида Президентимиз ташаббуси билан асос солинган уч бўғинли спорт-соғломлаштириш тизимининг узвий босқичи ҳисобланган "Баркамол авлод — 2003" мусобақаларига эртага старт берилади. Андижонда ўтказиладиган 14 турдаги спорт беллашувлари учун бугун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди.

"Баркамол авлод — 2003" беллашувлари таркибига киритилган 9 турдаги спорт мусобақалари Андижон шаҳрида ўтказилади. Умуман, шаҳардаги спорт мусобақаларида 1792 нафар спортчи иштирок этиши кўзда тутилган. Мусобақалар ўтказиладиган асосий иншоот ҳисобланган Олимпия заҳиралари коллежида спортнинг 5 тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Шунингдек, Андижон шаҳридаги маиший хизмат алоқа, компьютер технологияси коллежларида, Андижон давлат чет тиллар педагогика институти ҳамда "Андижон" теннис кортларида ҳам мусобақалар ўтказилади.

Албатта, мусобақаларнинг нечоғли жонли ҳамда тартибли ўтиши ёш спортчиларнинг дам олишларига, уларга яратилган шарт-шароитларнинг кўнгилдагидай эканлигига ҳам боғлиқ. Бу борада андижонликларнинг меҳмондўстлиги панд бермаса керак, деб ўйлаймиз.

Миллионерлар ўйини ҳисобланган футбол мусобақалари Олтинкўл ва Шаҳрихон туманларидаги стадионларда ўтказилади. Ва унда 266 нафар спортчи иштирок этади. Ёш футболчиларнинг 133 нафари Олтинкўл иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида, 133 нафари эса Шаҳрихон миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида истиқомат қиладилар.

(Давоми 7-бетда)

ShHT davlatlari rahbarlarining ushbu sammiti muhim voqea bo'lib qoladi va mamlakatlarimiz hamda butun mintaqa xavfsizligi, barqarorligi va o'zaro manfaatli hamkorligini mustahkamlash yo'lida yangi imkoniyatlar ochadi.

Asosiysi, ana shu boyliklardan oqilona foydalanishga intilayotgan ilmga tashna yoshlar ko'p bu elda. Ularga biroz e'tibor, sharoit bo'lsa bas.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

UNIVERSITETNING HADYASI

Poytaxtimizning Chilonzor tumanida joylashgan Xlebushkina nomidagi 22-mehribonlik uyida «Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni»ga bag'ishlangan bayram tadbiri bo'lib o'tdi. Tadbirga mehribonlik uyini o'z homiy-ligiga olgan Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti bosh-qosh bo'lib, mehribonlik uyiga 200 000 so'm miqdorida pul hamda tarbiyalanuvchilar uchun yozgi va qishki kiyim, o'quv qurollari, shaxmat-shashka, o'quv albomlari va o'quv partalari hadya qildi. Bundan tashqari ushbu mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari universitetga kirish uchun TDIU tomonidan bepul repititorlar bilan ham ta'minlanadi.

XALQARO HUJJATLAR O'ZBEK TILIDA

Respublika Oliy Majlisida Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Milliy markazi tomonidan nashr etilgan «O'zbekiston Respublikasi va inson huquqlari bo'yicha xalqaro shartnomalar. Inson huquqlari bo'yicha universal shartnomalar» deb nomlangan to'plamning taqdimoti o'tkazildi. Mazkur kitob uch bo'limdan iborat bo'lib, birinchi qismida BMTning inson huquqlari bo'yicha 10 ta universal shartnomasi, ikkinchi qismida Xalqaro Mehnat tashkiloti qabul qilgan va insonning mehnat qilish huquqlarini ro'yobga chiqarishda muhim ahamiyat kasb etadigan 16 ta xalqaro konventsiya jamlangan. Uchinchi qismdan esa YUNESKO qabul qilgan 2 ta hujjat o'rin olgan.

«SINO»NING YANGI MUZLATKICHLARI

«Sino» aktsiyadorlik jamiyatida BMT taraqqiyot dasturining 1,5 million dollarlik loyihasi to'liq yakunlandi. Avval muzlatkichlarning devor va eshiklari oralig'idagi bo'shliqni to'ldirish uchun XFU (xlorftoruglerod) — 11 va sovituvchi modda sifatida XFU-12 suyuqligidan foydalanilar edi. Bu esa atrof-muhitga, aniqrog'i ozon qatlamining yemirilishiga ta'sir ko'rsatardi. Shu bois, yuqoridagi loyiha asosida zavod qaytadan zamonaviy uskunalar bilan jihozlandi. Bu ishlab chiqarish jarayonida ekologik bezarar bo'lgan sovituvchi moddalardan foydalanishga imkon beradi. Ushbu loyiha «Sino» korxonasiga ulkan imkoniyatlar berdi.Loyiha asosida olib kelingan asbob-uskunalar o'rnatilishini ko'zdan kechirgan BMT taraqqiyot dasturining O'zbekistondagi doimiy vakili Richard Konroy Jon boshchiligidagi mutaxassislar bajarilgan yumushlarni ijobiy baholadi. Tomonlar loyiha to'liq yakunlanganligi xususidagi hujjatlarni imzoladi.

ХАЙРЛИ НИЯТ САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яна бир гап шуки, халқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шакллангандек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўйлайманки, сўнгги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада кучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал-хомашё заҳираларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Табиийки, бундай истиқболга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклиги ва биринчи галда воқеаларнинг салбий йўналишда ривожланишининг олдини олиш, Х.Карзай раҳбарлигидаги марказий ҳукуматга умумий мақсадга эришиш — узоқ муддатли тинчлик, барқарорлик ва мамлакат тикланишини таъминлаш йўлида этник, минтақавий ва диний кучларни бирлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш даркорлигини яхши тушунамиз.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тутган ўрни беқиёс, у шакллангани сари минтақадаги таъсири, шубҳасиз, муттасил кучайиб боради.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари!

ШҲТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Мен Владимир Владимирович Путиннинг бугун шакллантирилаётган ШҲТ халқаро сиёсатнинг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШҲТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги бу ерда билдирган фикрига тўла қўшиламан. Ўйлайманки, бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасиздир.

Иккинчидан. Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, ШҲТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор марказ тузилмоқда.

Бу ўринда, террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва заҳарлаётган, уларни ўзининг итоаткор қуролига айлантираётган мафкура йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш бугунги кунда муайян жиноий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Минтақамизда «Хизбут-таҳрир» каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда.

Дарвоқе, бу реакцион ақидапарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақиқланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Учинчидан. Келажакда ШҲТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бу ҳақда кўп ҳамкасбларим гапиришди. Турмуш шароитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш — бу, пировардида, халқларимиз кутаётган мақсад-муддаодир.

Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиряпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда.

Шу боис ШҲТ доирасида ҳам интеграция, умумминтақавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Аминманки, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШҲТга аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади.

Шу маънода транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Гап, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақага кенг кўламда инвестициялар келишини таъминлаш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очадиган йўналишлар ҳақида бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтмоқчиманки, ШҲТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, ШҲТнинг навбатдаги саммитига қайси мамлакат мезбонлик қилиши масаласи муҳокамаси чоғида Президентлар Ўзбекистон пойтахтини танлади. Ислом Каримовнинг билдиришича, Ўзбекистон томони масала бу тарзда ҳал этилишини кутмаган экан. Аммо, сиёсатда тасодиф бўлмайди. Мантиқан олганда, бу ечимнинг аниқ сабаблари йўқ эмасди. Гап шундаки, саммит мезбони ташкилотга раислик ҳуқуқини қўлга киритади. Бундай ҳуқуқ эса, ҳақли равишда ўзининг одил, қатъий ва мустақил сиёсатига эга бўлган, бошқа давлатларнинг таъсир доирасига тушмайдиган ва тазйиқидан чўчимайдиган мамлакатга берилади. Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик ва интеграция борасидаги саъй-ҳаракатлари, ташқи сиёсатдаги изчиллиги саммит қатнашчиларини мамлакатимизга шундай масъулиятли вазифани топширишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ушбу масъулият Ўзбекистонга берилган муносиб баҳо, мамлакатимиз нуфузининг яна бир эътирофи ҳамдир.

ШҲТ саммитида ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси (марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Лекин кейинчалик бу фикр ўзгарди. Марказ қароргоҳини Тошкентга кўчириш борасида келишиб олинди.

Албатта, бу қарор негизида ҳам Ўзбекистонга хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашдаги амалий саъй-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта, десак, хато қилмаган бўламиз. Ҳеч бир мамлакатни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, аксилтеррор марказ фаолияти Тошкентдан бошқариб борилса, бу энг маъқул йўл бўлади. Ўзбекистон томони бу фикрнинг эътироф этилиши учун баёнотлар эълон қилгани йўқ, мамлакатимизнинг хатти-ҳаракатлари очиқ-ойдин кўриниб тургани учун эътибор ва эътироф табиий равишда ўз-ўзидан вужудга келди.

Шу маънода, ШҲТнинг Москва саммити муваффақиятли кечди, дейиш учун барча асослар етарли. Ташкилот ўз фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлди ва улар барча аъзоларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилишга йўналтирилганининг тасдиғини топди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Москвада Хитой раҳбари Ху Цзинтао билан бўлган учрашувига ҳам юқори баҳо берди. Яқинда ХХР раиси лавозимини эгаллаган бу шахс ўзининг биринчи хорижий сафарини ШҲТ саммитидан бошлагани муҳим воқеа, албатта. Чунки дунё аҳли қудратли давлатлардан бўлмиш Хитойдаги воқеаларни диққат билан кузатиб боради.

Ислом Каримовнинг Ху Цзинтао билан учрашуви Хитой матбуотида жуда кенг ёритилди. Бунга асосий сабаблардан бири эса Хитой раҳбарининг учрашувдаги сўзлари бўлди. Х.Цзинтао дунёдаги вазият қай йўсинда ривожланмасин, Пекин Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантириш, айниқса, сармоя ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини доим эътиборда тутишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашувига журналистларнинг катта қизиқиш билдириши Х.Цзинтаонинг фикрларига жамоатчилик томонидан билдирилган бир тасдиқ бўлди.

ШҲТ саммитидан кейин Президент Ислом Каримов шу кунларда 300 йиллик тўйини нишонлаётган Санкт-Петербургга йўл олди. Бу ерда МДҲ Президентларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамдўстлик саммити доим қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтади. Президентлар байрам кайфиятида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай рухда ўтди. Кун тартибидаги асосий масала — Эркин савдо зонаси. Бу ҳақдаги ҳужжат имзоланганига ўн йил бўляпти. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топгани йўқ. Чунки, Президент Ислом Каримов таъкидлаб келаётганидек, МДҲда ташаббус кўп, таклифларнинг адоғи кўринмайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар вужудга келяпти, бир-бирининг ўрнига қайтадан тузиляпти.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши раиси, Украина Президенти Леонид Кучманинг билдиришича, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида эркин савдо зонаси бўйича олтмишдан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланган, бу улкан ҳудудда яна шунча эркин бозор сегментлари мавжуд.

Бу маълумотни келтиришдан мақсад ҳали-ҳамон МДҲнинг айрим аъзолари тор доирада иш юритаётганини таъкидламоқдир. Барча мамлакатлар қонун ҳужжатларини мувофиқлаштирмас, чегара, божхона, солиқ масалаларини биргаликда ечмас экан, ягона бозор тузиб бўлмайди. Майда бозорлар ташкил этиш ҳақида турли баёнотлар эълон қилиниб, ишламайдиган ҳужжатлар тузилиши МДҲдаги муносабатлар тизимига раҳна солади. Бошқача айтганда, ҳамма шу йўсинда ташаббускорликка берилиб кетса, МДҲнинг эртаси ҳақида ижобий фикр айтиш даргумон бўлиб қолади.

Шу йилнинг февралида МДҲнинг тўрт аъзоси ягона иқтисодий минтақа тузишга келишиб олди. Унгача божхона иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳам тузилган эди. Ўзбекистон бу ҳаракатларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Чунки МДҲни тузишдан кўзланган бош мақсаднинг ўзи турли соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолиб, уларни янгича шаклда ривожлантиришдан иборат эди. Ҳамдўстлик даражасида эришилмаган натижага эса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилинганда ҳам эришиб бўлмаслиги тайин.

Шу боис Ҳамдўстликнинг аввалги саммитида Эркин савдо зонаси масаласи жиддий муҳокама қилинганди. Санкт-Петербургда яна бош мавзуга айланди. Сентябрда бўлажак Ялта саммитида ушбу зонани ташкил қилишнинг биринчи босқичига нуқта қўйишга келишиб олинди.

Албатта, эркин савдо зонаси барпо этиш бир кунлик иш эмас. У кўп меҳнат талаб қилади. Аввало чегараларни очиш, божхонадан ўтиш тартибини мослаштириш, енгиллаштириш керак. Кейин солиқ, коммуникация масалаларини кўриб чиқиш керак. Қунт билан ишланса, босқичма-босқич барча вазифаларни уддалаш мумкин.

Ислом Каримов Ялта саммити МДҲ ҳаётида жиддий воқеа бўлишига умид билдирди. Бу ишда Россиянинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Россия МДҲ аъзоларининг бошини қовуштиришда, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этишини ҳеч ким инкор этмайди. Бундан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор. Айни вақтда бошқа мамлакатлар ҳам амалий ҳаракатларига изчиллик бахш этиши мақсадга мувофиқдир.

Президентлар МДҲ саммитидан кейин Санкт-Петербург юбилейига бағишлаб уюштирилган бошқа тадбирларда мулоқотларни давом эттирди. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, баъзан қисқа, баъзан атрофлича суҳбат тарзида ўтган бундай мулоқотлар давомида МДҲ раҳбарлари бир тўхтамга келган. Демак, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида юз бераётган ижобий ўзгаришлар МДҲда ҳам инъикос топишига умид қилиш мумкин. Зеро, барча давлатларнинг истаги — ҳамкорликни ривожлантириш. Бу — яхши ният. Хайрли ният эса бесамар кетмайди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Санкт-Петербург — Тошкент.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

"СЕН — ИНСОНСАН!"

Tadbir

Халқимиз ўзининг очиқкўнгиллиги, меҳмондўстлиги, энг асосийси болажонлиги билан дунёга танилган. Биргина II жаҳон уруши давридаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, 14 нафар фарзандни ўз дилбандидек тарбиялаб, уларнинг бошини силаган тошкентлик Шомақсудовлар оиласи мисолида халқимизнинг қай даражада бағрикенглигини кўришимиз мумкин. Ўша даврларда урушда бошпанасиз, отаонасиз, боқувчисиз қолган бола борки, поездларда собиқ иттифоқнинг турли бурчакларига жўнатилган, хусусан, Ўзбекистон ҳам ўз бағрига минглаб ана шундай болаларни қабул қилган.

Мана шундай эзгу анъаналаримизнинг барҳаётлигини таъминлаш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг кўнглини бироз бўлса-да, шод этиш мақсадида 1 майдан 1 июнгача "Сен — инсонсан!" мавзусидаги хайрия марафони ўтказилди. Бу хайрли марафон "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамоатчилик жамғармаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида ўтказилиб, 1 ой давомида Тошкент шаҳридаги мавжуд 6 та меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари давлат циркидаги томошаларга бордилар, автомобиллар пойгаси мусобақаларида қатнашиб, ғолиблар совғалар билан тақдирландилар.

— Бўлиб ўтган мана шу пойга мусобақасидан сўнг кўпгина ўғил болаларимиз автомобил муҳандиси, автомашина қурувчиси бўлишни хоҳлашини айтганларида қанчалик хурсанд бўлганимизни кўрсангиз эди. Демак бу тадбир ҳам қанчадан-қанча болажонларнинг қалбларига эзгулик уруғларини қадабдики, шунинг ўзи биз учун улкан муваффақият, — дейди "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси ўқув марказининг директори Г.Смирнова.

Бундан ташқари, улар учун Хўжакент яқинидаги тоғларга саёҳатлар уюштирилди, иқтидорли ёшлар ўртасида "Ёш рассомлар" кўрик-танлови ўтказилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КОРЕЯ КОМПЬЮТЕРЛАРИ ЎЗБЕК ТАЛАБАЛАРИ УЧУН

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи демакдир. Зеро, Ватан эртасининг кейинги тақдирини бугун комиллик чўққиси сари одимлаётган илмга ташна ёшлар белгилайди. Ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига қаратилаётган эътиборга шу жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни бежиз эмаслигига амин бўламиз. Бу борада эса халқаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилаётганлиги эътиборлидир. Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг тобора янги маъно-моҳият касб этишида ҳам ҳар икки давлатнинг фарзандлар иқболига бефарқ эмасликлари кўринади.

Куни кеча Жанубий Корея давлатидаги компаниялардан бири томонидан республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассасаларига умумий қиймати 450 миллион сўм миқдоридаги 200 та "Pentium-4" русумидаги компьютер ва 50 та замонавий лазерли принтер ва сканерларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон жуда бой давлат, — деди маросимда сўзга чиқар экан Жанубий Кореянинг KT&G компанияси вакили Шин Хён Су жаноблари. — Чунки бу заминнинг ҳам табиий, ҳам илмий салоҳиятига ҳар қандай ривожланган давлат ҳавас қилса арзийди. Асосийси, ана шу бойликлардан оқилона фойдаланишга интилаётган илмга ташна ёшлар кўп бу элда. Уларга бироз эътибор, шароит бўлса бас. Компаниямиз компьютер жиҳозларини юртингиз толиби илмларига совға қилишга қарор қилди.

Таълим тизимини ривожлантириш мақсадидаги давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари халқларнинг ҳам янада жипслигига омил бўлиши шубҳасиз.

Жанубий Корея ва Ўзбекистон давлати, унинг халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларга тўхталар экан, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов бугунги саъй-ҳаракатлар келажакда юртимизда эришилажак муваффақиятларда муҳим ўрин тутажагига ишонч билдирди.

Мазкур ёрдамни ташкил этишда, умуман олганда олий таълим тизимига хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида вазирликнинг иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг бош бошқармасининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Маросим сўнгида ушбу бошқарма бошлиғи Муҳаммадали Саидов бизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Жанубий Корея давлатининг мазкур компанияси томонидан ажратилган беғараз ёрдам компьютер ва бошқа техник жиҳозлар Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича ушбу йўналишдаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда малака ошириш институтларига тарқатилади.

Маросимда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Сунг Хван иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратда: маросимдан лавҳа.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Oramizdagi odamlar

ОТАХОН МАКТАБГА НЕГА КЕЛДИ?

Макталб ҳовлиси олдига келиб тўхтаган «Дамас» автомашинаси ҳамманинг эътиборини тортди. Комиссиямикан ёки бирон ташкилот ходимими? Ҳозир нима кўп текширувчи кўп. Турли масалаларда келиб кетувчилар кўпу, дардингни эшитадиганлар бармоқ билан санарли. Ҳуллас, «Дамас»дан қоматлари тик, чайир жуссали, отахон тушиб ичкарига кирди. Демак, набиралари устидан шикоят тушган, ёки ўзлари «қулоқсиз, шумтака»лардан арз билан келгандир? Ана отахонимиз директор қабулига йўл олаяптилар. Демак иш чатоқ. Қани, ортларидан борайлик-чи, гап нима ҳақида экан?

—Исмим Ваҳобжон, ўзим фермерман. Бўзсувнинг Наманган маҳалласиданман. Қирқ уч йилдан бери деҳқончилик қиламан. Ўн гектар ерим бор— деди отахон ўзини таништирар экан.

—Озгина сармоям бор эди, шуни мактабга ажратмоқчиман. Савоб иш қилиш ниятидаман.

Назаримда, мактаб раҳбари Муборак опа Телевова бу сўзларни кутмаган бўлса керак. Кунига қанча-қанча даромад қиладиган тадбиркорлар уни кўрганда ҳомийликдан қочиб, кўрмаганга олиб кетаётган бир пайтда, жазирама офтобда оппоқ соқоллари билан кетмон чопиб, яғринлари куйган, қўллари қадоқ отахон мактабга ёрдам берса-я?! Ахир, ер билан тиллашиб сармоя орттиришнинг ўзи бўлмайди. Директор отахоннинг сўзини ишонибишонмай тинглади.

— Шу мактабда набираларим, ишлашлари учун, ДТС талаблари асосида, ноанъанавий усулларда дарс беришлари учун компьютернинг хизмати катта. Бунинг устига Мониторинг таҳлиллари компьютерда олиб борилса, барчага қулай бўлади.

Отахон илиққина хайрлашиб қабулдан чиқиб кетдилар. Муборак опанинг назарида унинг олдига «тила тилагингни» дегувчи Хизр бобо кириб келгандек эди.

Орадан бир ой ўтиб, Фурқат номидаги 19-умумий ўрта таълим мактабига Ваҳобжон ота Саломовнинг ҳадялари келтирилди. Бу— «Pentium-2» русумли компьютер эди. Отахон ҳадянинг нархини ҳам айтмасдан ташаккурларга кўмилиб мактабдан чиқиб кетдилар. Мактаб телефони анчадан бери ишламаётганидан хабардор бўлгач эса ҳадялари жуфт бўлди. Ўттиз метрлик кабел билан бу қутлуғ даргоҳни яна бир бор эслаб қўйдилар.

Бу саховатпеша инсонни мактаб учун қилган яхшиликларини эшитган Бўзсув фермер хўжалиги раиси Ҳамидулла Мирзаев «Ваҳобжон Саломов энг илғор фермерларимиздан» дея таъриф бердилар.— 2002 йилда 5 гектар ерга буғдой, 2 гектарига беда, 2 гектарига карам, 1 гектарига помидор экиб йиллик режаларни ортиғи билан бажардилар. Мактабга берган ёрдамлари олдида таъзим қиламиз,— дейди раис биз билан суҳбатда.

Биз ҳикоя қилаётган бўзсувлик фермер Ваҳобжон ота Саломов ҳар ишда илғор. Қадамларидан ўт чақнайди. Сўзларида қатъийлик, жиддийлик, меҳрибонлик уйғунлашганлигини англайсиз. Ёнларида эртанги кунга яхши ниятлар билан боқувчи ҳалол, ғайратли тўрт нафар ўғиллари, йигирмадан зиёд набиралари бор. Орамизда шундай инсонлар бор экан фарзандларимиз эртанги кунга илдам қадам ташлайди.

Гулчеҳра ШЕРМАТОВА,
Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси

Shu songa xabar

Убайдулла Қодиров номидаги 59-умумий ўрта таълим мактаби Ғаллаорол туманида биринчи бўлиб таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказди. Таъмирлашни тез ва сифатли амалга оширишда ҳомий-фермер Асад Убайдуллаевнинг хизмати катта бўлди. У 9 та синф хонадан иборат мактаб биносини тўлиқ таъмирлаб берди.

МАКТАБ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Мактабни таъмирлашда ота-оналар, ўқитувчилар ҳам ўз маблағи билан ҳисса қўшдилар. Хоналарни таъмирлашда Ҳ.Сандибоев, Б.Турматов, М.Турсунхонов, А.Содиқов каби ўқитувчилар фаол иштирок этишди. Мактаб раҳбари А.Ҳусановнинг айтишича, фермер А.Убайдуллаев қишгача 6 та синф хонасини табиий газ билан иситишга мослаб беради.

Қисқаси, мактаб қишлоқ болаларини янги ўқув йилида ўз бағрига олишга тўла шай.

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Сурхондарё вилояти Узун тумани 29-мактаб ўқитувчиси Муродова С. дан

САВОЛ: 1995 йилда "Хурсанд" ширкат хўжалигига тегишли 3 хонали, 2 пешайвонли дала-шийпонига кўчиб ўтган эдик. Ҳар йили дала шийпонида яшаганлигимиз учун пул тўлаймиз. Шу бино — дала шийпонини мен ўз номимга хусусийлаштириб олишим мумкинми?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрь ва 1992 йил 5 февралдаги фармонларида ҳамда имтиёзлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Молия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 1992 йил 27 февралдаги № 09.1-33/124, 03-165, 89.04.143 сонли хатига асосан:

— педагог ходимлар давлат ёки корхона ташкилотлари ҳисобидаги яшаб турган уйи ёки турар жойларини шахсий мулкка ўтказиш хоҳиши туғилса, у ҳолда ёзма равишда ариза билан қуйидаги давлат органларига мурожаат қилишлари лозим:

а) Маҳаллий ҳокимият ихтиёридаги уй-жойларда яшаб турувчилар — маҳаллий ҳокимиятга;

б) Корхона ёки ташкилотлар ихтиёридаги уй-жойларда яшаб турувчилар тегишли ташкилот ёки корхона раҳбарларига мурожаат қилишлари лозим. Бироқ сизнинг ҳолатингизда ширкат хўжалиги аъзоларининг розилиги керак бўлади.

Й. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бош мутахассиси

Ammo, men iloji boricha o'quvchiga xohishiga qarab emas, qobiliyatiga yarasha tavsiyanoma yozib beraman. Avvalgi yili Kamola Yoqubova, Nargiza Imomovalarga maslahat berib, huquqshunoslik kollejiga emas, tibbiyot kollejiga tavsiyanomalar bergandim. Ular hozir mendan xursand.

Ayrim maktablarga borsak, chiroyli yasatib qo'yilgan kompyuter xonalari faqat "xo'jako'rsin" uchun xizmat qilishini ko'rib ajablanamiz.

ХОҲИШГА ҚАРАБ ЭМАС, ҚОБИЛИЯТИГА ЯРАША

Шу кунларда умумий ўрта таълим мактаблари психологлари учун масъулиятли жараён давом этмоқда. 6 ёшли болаларнинг иқтидорлиларини танлаб олиш, 9-синф битирувчиларига касб-ҳунар танлашларида керакли маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиш улардан муайян билим ва кўникма талаб қилади. Суҳбатдошимиз Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 9-мактаб психологи Наргиза Жалилова уч йилдан буён шу соҳада ишлаб келмоқда.

— Наргизахон, 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилиш жараёни қандай кечмоқда?

— Мактабимизда 6 ёшли 120 бола билан Наргиза Имомова, Хуршида Хўжаева, Барно Машкурова каби тажрибали ўқитувчилар шуғулланади. Расм чизиш, ҳуснихат, математика бўйича уларнинг қизиқиши ва билимлари текширилиб, шундан 20 нафарининг энг қобилиятлилари ажратиб олиниб, 7 ёшли болалар билан ўқитилади. 6 ёшли болаларнинг ота-оналари билан тез-тез суҳбатлар ўтказилиб, керакли маслаҳатлар берилмоқда.

— 9-синф битирувчиларига ЎМКҲТ муассасаларига тавсиянома беришда кўпроқ қайси жиҳатларга эътибор қаратасизлар?

— Педагогика кенгашида "Касб-ҳунарга йўналтириш концепцияси"-ни ишлаб чиққанмиз. Йил давомида 183 нафар битирувчи билан "Қизиқишлар харитаси" асосида тестлар ўтказдик. Ундан ташқари, дифференциал диагностик сўровномага берилган жавобларни ўқиб-ўргандик. "Касбим — фахрим" мавзусида иншолар танлови уюштирилди, рефератлар ёздирилди. Туманимиздаги касб-ҳунар коллежларидан ўқитувчилар келиб суҳбатлар ўтказишди.

Мен ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, лаёқатини фақат тест ёки сўровномадан ўрганиш билан чекланмай, уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашдим. Қобилиятига яраша ўқиши лозимлигини уқтирдим.

— Кўпинча ўқувчилар сиздан қобилиятига яраша эмас, хоҳишига кўра тавсиянома сўраши мумкин. Шундай эмасми? Айтайлик, ҳамшираликка қизиқмайдиган, аммо ота-онасининг қистови билан касб танлаётганларга тавсиянома ёзиб бераверасизми?

— Тўғри айтдингиз, бундай ҳолат кўп учраяпти. Аммо, мен иложи борича ўқувчига хоҳишига қараб эмас, қобилиятига яраша тавсиянома ёзиб бераман. Аввалги йили Камола Ёқубова, Наргиза Имомоваларга маслаҳат бериб, ҳуқуқшунослик коллежига эмас, тиббиёт коллежига тавсияномалар бергандим. Улар ҳозир мендан хурсанд. Тиббиёт йўналишида яхши ўқишаяпти. Битирувчиларимизнинг 53 нафари тиббиёт, 35 нафари ҳарбий соҳада ўқишни истагани ҳолда 23 нафари озиқ-овқат ва енгил саноатга, 15 нафари дурадгорликка, 18 нафари ижтимоий фаолиятга йўналтирилган даргоҳларда ўқишни давом эттирмоқчи.

Ўтказилган тестлар фақат тавсиянома бериш учун эмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, шундай саволлар борки, уларнинг жавоби орқали ўқитувчиларни тарбиялаш мумкин. Айтайлик, қайси ўқитувчингизни ёқтирасиз ёки ёқтирмайсиз? Бундай саволларга ўқувчиларнинг айримлари ўқитувчимиз бақириб гапирганини, баъзан кийинишини, баъзан сир сақлай олмаслигини ёқтирмаймиз қабилидаги жавобларни ҳам берадилар. Мен шундай жузъий камчиликни ўқитувчиларнинг ўзларигагина айтаман. Тез орада ўқитувчилар ана шундай ўқувчилар билан иноқлашиб кетади.

— Суҳбатдан англашилдики, психолог синф раҳбари каби ўқувчиларнинг сирдоши, маслаҳатгўйи бўлмоғи лозим. Ўқувчилар ҳеч кимга айтмаган сирларини психологга айта олсинлар. Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош:
Маҳмуда ВАЛИЕВА

Jarayon

Milliy istiqlol g'oyasi

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК

Янги педагогик технология талабларига жавоб бера оладиган ўқув адабиётларининг замонавий авлодини яратиш бўйича Фарғона политехника институтида анчагина бой тажриба тўпланди. Институтда электрон ўқув қўлланма ва дарсликлар яратиш учун ихтисослаштирилган махсус марказ ташкил қилинган. Унда малакали мутахассис кадрлар билан бирга, иқтидорли талабалар ҳам фаолият юритмоқда. Натижада нафақат олий таълим тизими, балки умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув дастурлари бўйича ҳам турли электрон қўлланма ва дарсликлар яратиш устида жиддий иш олиб борилмоқда. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани юзасидан ўқув машғулотлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида тайёрланди. Бу борада бизда маълум тажриба ҳосил қилинганлиги жуда қўл келди. Гап шундаки, ўтган ўқув йилида ушбу фан бўйича электрон ўқув қўлланма тайёрланган эди. У республика файласуфлар миллий жамиятида кўриб чиқилиб, шу фан бўйича махсус Методологик комиссия томонидан маъқуллангач, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус буйруғига асосан, республика миқёсида кенг оммалаштирилган эди. Ана шу электрон дарсликни тайёрлашда биз бу тажрибадан кенг фойдаландик. Шунингдек, уни тайёрлашда замонавий педагогик технология талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда интерактив ўқитиш тамойилларига таянишга ҳаракат қилинди.

Электрон дарслик тайёрлашда Президентимиз Ислом Каримовнинг асар ва рисолалари муҳим назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. Республика файласуфлари миллий жамияти ижодий гуруҳи томонидан миллий истиқлол ғояси ва мафкураси бўйича тайёрлаб чоп қилинган бир туркум адабиётлардан ҳам электрон дарсликни яратишда кенг ва унумли фойдаланилди.

Дарсликда ўқув материаллари матнлари билан бирга, уларни ўзлаштириш учун асқотадиган хилма-хил эффектлардан ҳам ўринли фойдаланилган. Айниқса, дарсликдан фойдаланишнинг электрон қулайликлари ҳам тўлиқ инобатга олинган. Натижада ўқувчи учун энг осон ва қулай, айни пайтда зерикарли бўлмаган, аксинча, жуда қизиқарли усул ва воситалар ўйлаб топилган. Дарслик саҳифаларидан бир-бирига ўтиш компьютернинг оддий ишлаш принципларидан иборат бўлиб, компьютер саводхонлиги унчалик чуқур даражада бўлмаган ўқувчи ҳам ҳеч қийналмасдан фойдалана олади.

Электрон дарслик "қуруқ" матнлардан ҳам иборат эмас. Балки мавзулар бўйича матнлар ранг-баранг расм ва суратлар, турли ўқув кўргазмали схемалар анимацияси, фильм намойиши, юрт ва Ватан озодлиги тараннум этилган мусиқа ва қўшиқлар билан бойитилган. Дарсликнинг барча саҳифаларидаги зарур жойларда айрим матнлар овозлар ёрдамида ёзилган. Овозлар хилма-хил. Чунки бир хил овоз зерикарли бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир мавзу юзасидан таянч тушунчалар, такрорлаш учун саволлар, тестлар, реферат мавзулари ҳам ҳозирда ўқув жараёнида кенг фойдаланилаётган адабиётлардаги сингари илова қилинди. Таянч тушунчаларнинг қисқача мазмун-моҳияти эса ўзига хос эффект ёрдамида изоҳланадики, фикримизча, бу усул қўшимча қулайлик туғдиради. "Томоша-бин-ўқувчи" хоҳиш-истагини инобатга олган ҳолда унинг танлаш ҳуқуқини кенгайтириш учун ҳаракат қилинди, яъни дарсликни ўқитаётганда у хоҳлаган усулдан фойдаланиши мумкин, яъни фақат матн ўқиши, уни мусиқа ёрдамида ўқиши ва аксинча ўчириб қўйиши, овозларни эшитиши ёки овозсиз ўқиши мумкин.

Хуллас, электрон интерактив дарслик тайёрлашда бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш учун зарур бўлган барча талаблар ҳисобга олинган. Бироқ электрон дарсликнинг мукаммаллиги билан боғлиқ бўлган айрим жиҳатлар эътибордан четда қолган бўлиши ҳам табиий.

И.ТЎХТАРОВ,
ФарПИ "Фалсафа" кафедраси мудири, доцент

ТАҲРИРИЯТДАН: Шу йилнинг 5 июнь куни Республика таълим марказида умумий ўрта таълимда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув фанларининг ўқитилиши ва ўқувчиларнинг маънавий юксалишига уларнинг таъсири қандай бўлаётганлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан махсус семинар ташкил этилади. Унда ФарПИда тайёрланган мазкур янги электрон дарслик ҳам мутахассислар томонидан муҳокама этилади. Бу эса мазкур дарсликнинг янада такомиллашувига, бу борадаги жойларда олиб борилаётган ишларни мақсадли ташкил этишга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

АТТЕСТАЦИЯ — СИНОВ ДЕМАКДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қиссадан ҳисса шуки, одамзод наслининг улуғлиги билимдандир. У ақлидроки туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Билимли одам шарафга лойиқдир.

Иккинчи парчада ҳам илм ва тафаккур ҳақида ибратли фикрлар бор: "Фикримча, билим мисоли бир маёқ. У барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб, инсонни эзгу орзу-мақсадларига етиштиради. Билимли киши элга азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Билим қоронғу тундаги машъалага ўхшайди. У кишиларнинг йўлини ёритади, унга рўшнолик бағишлайди. Кимки бунга шубҳа қилса, ўзини заковат нури билан ёритиб кўрсин. Халқимизда шундай ҳикматли сўзлар бор: билимдон ўз билимлари туфайли бало-офатлардан омон қолади; ўқув, идрок кишини покиза қилади, билим эса юксалтиради".

Гулшода ОТАМУРОДОВА,
РТМ филология инновация бўлими етакчи методисти

...

Мана, ўқув йили тугаб, мактаб ўқувчилари учун ёзги таътил, битирувчи синфлар учун эса давлат аттестациялари ҳам бошланиб кетди. Куни кеча республикамиздаги барча 9-синф битирувчилари биринчи аттестациядан ўтиб, она тили ва адабиёти фанидан ижодий баён ёздилар.

Пойтахтимиздаги Юсуф Мўминов номидаги 274-мактабнинг 183 нафар ўқувчилари "Дўстликка садоқат" матни асосида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мазмунли ижодий иш яратишга ҳаракат қилдилар.

Давлат аттестациясига таширф буюрган Юнусобод ТХТБ назоратчиси Гулнора Зоҳидова, Низомий номидаги ТДПУ доценти Туйғуной Ниёзметовалар аттестация ўз вақтида намунали ташкил этилганидан, кўтаринки кайфиятда ёзилган ижодий ишлар натижасидан мамнун эканликларини билдирдилар.

— Аввало, ижодий баён учун мазмунли ривоят танланган, қолаверса, матннинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Менга А.Исамуҳамедов, Н.Худойберганова, Г.Азаматоваларнинг ижодий ишидаги дўстликни қадрлаш, буюк шоирнинг дўсти учун ҳар ишга қодирлигидан ўрнак олиш зарурлиги ҳақидаги фикр-лари манзур бўлди. Улар матндан тўғри хулоса чиқара билганлар, — дейди Туйғуной Ниёзметова. — Ижодий ишларнинг юқори даражада равон, саводли ёзилиши йиллаб қилинган меҳнат, ўқитувчи талабчанлиги самарасидир.

9-синф битирувчиси Ҳадия Абдуллаевани ижодий иш ёзиб, чиқаётганда учратдик:

— Алишер Навоийнинг лирик шоир, хамсанавис, ғазал мулкининг султони эканини билардим, —дейди у. Бугунги матн орқали ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг яна бир ажойиб фазилати — дўстини ҳимоя эта билгани, Паҳлавон Муҳаммадга қандай жазо тайинланса, унга ҳам шу жазони беришга Ҳусайн Бойқарони ундаши, дўстига содиқлиги мени тўлқинлантириб юборди. Навоийнинг дўстига содиқлигини кўрган подшоҳ ҳам ўз фармонини бекор қилиб, Муҳаммаднинг ножўя ишини кечириб юборди. Демак, дўстга содиқлик, вафодорлик "подшо амри вожиб" деган нақлни ҳам бекор қилди, уларни сазойи қилишдан асраб қолди.

Бу хулосани битирувчиларнинг барчаси халқ мақоли, дўстлик ҳақидаги ҳикматли сўзларни келтириб ёзиб берганлари ижобий ҳодисадир.

Давлат аттестациялари давом этмоқда. Ишонамизки, бу жараён кўнгилдагидек пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда уюшқоқлик билан ўтади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат" мухбири

«MA'RIFAT» САБОФИ

Бир неча йиллардан буён севимли газетамизнинг ҳар бир сонини, ҳар бир саҳифасини ўқиб, гард юктирмай сақлаб келаман. «Ma'rifat» менга замон билан ҳамнафас бўлишга, ўз педагогик қиёфамни топишимга, педагог сифатида шаклланишимга кўмак бераяпти. Унинг саҳифаларидаги таълим ва тарбия, дарс беришнинг янги педагогик технологияларга асосланган усулларига бағишланган ранг-баранг мақолалар мени изланишга, ўз маҳоратимни оширишга чорлайди. Шу боис, ундан доим унумли фойдаланишга интиламан.

Тўғрисини айтсам, бундан икки йил олдин ўз дарсларимдан унчалик қониқмас эдим. Бу эса услубий китоблар, «Ma'rifat»ни янада кўпроқ варақлашимни тақозо этарди... Болаларнинг кўзида ҳайрат, қизиқиш учқунларини кўриб, кўнглим яйраса-да, барибир, ҳамма бирдек фаол эмасди. Орқа парталарда кимдир эснар, яна кимдир деразага термуларди... Бу эса мен учун инқироз. Ахир, бирорта боланинг бир дақиқа бўлса-да вақти зое кетмаслиги керак! Бунинг учун нима қилсам экан?

Шунда доимий маслаҳатгўйим «Ma'rifat» менга яна ёрдамга келди. Тўғрироғи, ундаги бир мақола менга умид бахш этди. Баҳорги таътил арафаси эди. Барчасини ўйлаб, режалаштириб олишга вақтим бор. Мақолада синфни кичик гуруҳларга бўлиш, унда тўртта гуруҳнинг ҳар бирида ўз сардори, ўз шиори, ўз фаол ва улгуролмайдиган ўқувчиси бўлади. Мен буни синфимда синай бошладим. Рақобат бор жойда ривожланиш, олға интилиш бўлиши рост экан. Ўқувчилардаги фаоллик баҳамжиҳат ишлашда, қўшни гуруҳ аъзолари билан билим синашишда, мавзуни мустақил ўзлаштиришда яққол сезила бошлади. Гуруҳнинг сардори ва фаоллари бирорта ҳам ўқувчининг «ухлаб» қолишига йўл қўймайдилар. Чунки қўшни гуруҳдан орқада қолмаслик керак-да!

Она тили дарсларида ҳар бир гуруҳнинг аълочи ўқувчилари қўшни гуруҳнинг уйга берилган вазифасини текширадилар ва баҳолайдилар. (Уларга бундай ҳуқуқ берилган ва йўл-йўриғи ўргатилган. Ҳар бирининг олдида «Имло луғати» ҳам бор). Улар бу ишни танаффус вақтида ҳам жон деб бажарадилар. Дарс бошланиши билан ҳар бир гуруҳ вакили қўшни гуруҳнинг уй вазифасини қандай бажаргани ҳақида ҳисобот топширади. Гуруҳнинг умумий баҳолари йиғиндиси синф деворида осиғлиқ турган «Фаоллик кўзгуси»га ёзиб қўйилади. Ўринлар белгиланади. Энг кўп балл йиққан гуруҳнинг рақамли кўрсаткичи қизил қалам билан доирага олинади ва бу гуруҳ қарсаклар билан олқишланади. Тўғри, ўқувчи ўқувчи-да, баъзида хато ўтказиб юбориши мумкин. Агар бирор дафтар эгаси ўтказиб юборилган хатони ўзи топиб олса, текширган гуруҳдан бир балл олиб ташланади. Албатта, бу ишларнинг барчаси ўқитувчининг — менинг назоратимда амалга оширилади. Бу усул ҳар бир ўқувчини масъулиятли бўлишга ундайди. Ўқувчи тенгдошининг ўзидан хато топишга йўл қўймаслигига интилади, китоб варақлайди, сўзлар имлосини ўрганади.

Дарвоқе, «Фаоллик кўзгуси» ҳақида. Мен раҳбарлик қилаётган 7-«А» синфнинг кўзгуси бу. У менинг беминнат ёрдамчим. Унда ҳар бир гуруҳ учун жой ажратилган бўлиб, гуруҳ аъзоларининг исми-шарифи бор. Ҳар ҳафтанинг шанба куни ҳар бир ўқувчи унга ҳафта давомида барча фанлардан олган баҳолари йиғиндисини ўз қўли билан ёзиб қўяди. Шу тариқа ҳар бир ўқувчининг йил давомидаги ўзлаштириши ҳамманинг кўз ўнгида акс этиб туради. Ўқувчи кўзгуга фахр билан ёзиб қўйиш, бошқалардан ортда қолмаслик учун ҳафтама-ҳафта кўпроқ баҳо олишга интилади.

Ҳар шанба куни бўладиган синф мажлисида сардорлар ўз гуруҳларидаги ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириши ва йиққан баллари ва гуруҳнинг умумий тўплаган бали ҳақида ҳисобот беришади. Умумий гуруҳ баллари ҳам «Фаоллик кўзгуси»да акс этади ва ғолиб гуруҳ кўрсаткичи қизил халқага олиниб, гуруҳ олқишланади.

Бу синф адабиёт фанига йўналтирилганлиги сабабли ҳар бир гуруҳ ҳар ҳафтанинг ўзи учун белгиланган кунида дарсдан кейин менга ўзи ўқиш давомида ёд олган шеър, ғазал, рубоий, ўқиган бадиий китоби мазмунини айтиб беришади. Ҳар бир ўқувчи шеър учун олган баҳосини «Фаоллик кўзгуси»нинг «Шеърият», ўқиган китоби учун олган баҳосини эса «Китобхонлик» бўлимларига ёзиб қўяди. Гуруҳнинг шеърхонлик ва китобхонлик бўйича йиққан умумий баҳоси ҳам махсус бўлимларга ёзиб қўйилади. Ўқувчилар бу борада ҳам рақобатлашадилар. Хозирга қадар ўқувчиларим Навоий, Бобур, Машраб, Паҳлавон Маҳмуд, Атоий, Нодира каби мумтоз шоирларнинг кўплаб ғазал ва рубоийларини ёд олганлар, бир неча насрий китобларни ўқиб тугатганлар. Танаффус пайтларида улар «Фаоллик кўзгуси» атрофида тўпланиб олиб, қайси ўқувчининг бу ҳафтада бали кўпайгани, кимнинг «Шеърият» бўйича отни қамчилагани, кимнинг бадиий китобни кўп ўқиши-ю, кимда қизил халқаларнинг кўплиги ҳақида гаплашадилар, муҳокама қиладилар.

«Фаоллик кўзгуси»да бундан ташқари, «Топқирлик ўйинлари» бўлими ҳам бор. Бунга ўқувчилар «Топқирлар беллашуви»да йиққан балларини ёзиб борадилар.

«Савоб ишлар» бўлимчасига эса ҳар бир гуруҳнинг ҳафта давомида қилган яхшиликлари сони ёзилади. Бу ўқувчиларни худбинликдан асраш учун ўйлаб топилди. Болалар кўпроқ баҳо йиғишга қизиқиб, фақат ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолишмасин. Бошқаларга ҳам ёрдам қўлини чўзишсин. Ҳадеб «Мен жавоб бераман» деявермай, қўшни гуруҳдаги дарс тайёрлаб келган, лекин журъати сустроқ болага ҳам имкон беришсин. Бундай яхшиликлар бизда юксак қадрланади. Ҳафта сўнгидаги синф мажлисида ҳар бир боладан «Сен кимга яхшилик қилдинг ва кимдан ёрдам олдинг?» деб сўрайман. Бу саволим болаларга ёқади. Улар иложи борича кўпроқ одамга яхшилик қилишга интиладилар. Эҳтимол, сиз буни нокамтарлик, дерсиз. Албатта, қилган яхшилиги ҳақида ҳамманинг олдида гапириш миннатга ўхшайди, дейишингиз ҳам мумкин. Мен эса болаларда бу нарсани сезмадим. Бир-бирига яхшилик қилишга интилишнинг нимаси ёмон?

Ҳурматли таҳририят! Мен гуруҳларда қўллаётган бу усуллар жуда яхши самара бераяпти.

Умумий тасаввур учун балки кимгадир фойдаси тегар, деган мақсадда «Фаоллик кўзгуси»нинг чизмасини илова қилаяпман:

Гулноза САИДОВА,
Қибрай туманидаги 19-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

ФАОЛЛИК КЎЗГУСИ

Хафталик якуний натижа		Ҳафталик умумий Ҳафталик сана	Шеърият учун балл Ҳафталик сана	Китобхонлик учун балл Ҳафталик сана
1-гуруҳ	1. Сардор исми 2. Исҳоков 3. Каримова 4. 5. 6.			
2-гуруҳ	1. Сардор исми 2. 3. 4. 5. 6.			
3-гуруҳ	1. Сардор исми 2. 3. 4. 5. 6.			
4-гуруҳ	1. Сардор исми 2. 3. 4. 5. 6.			
Шеърият учун умумий балл	Гуруҳ номи Гуруҳ номи Гуруҳ номи Гуруҳ номи		Китобхонлик беллашуви	Савоб ишлар беллашуви

Sinab ko'ring

Ҳайвонот оламига саёҳат қилмоқчи бўлсангиз мактабда биология дарсини қолдирманг. Чунки бу дарсда ушбу фаннинг сирасорлари, ҳайвонот дунёсидаги мўъжизалар билан танишасиз.

Суратда: биология фани ўқитувчиси Нўъмонжон Саидаҳмедов ўқувчиларни ҳайвонот олами билан таништирмоқда.

Б.РИЗО олган сурат.

Anjuman

ТЕХНОЛОГИЯ – ИСЛОҲОТЛАРНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Бугунги кунда барча соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи педагогик технологиялар ҳисобланади. Шу маънода уларни таълим тизимига кенг жорий этиш барчанинг диққат-марказида турган долзарб масалалардан биридир.

Яқинда Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган "Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлар" мавзусидаги илмий-амалий анжуманда ҳам асосий эътибор Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 2-босқичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг ижобий ҳал этилишида умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда бу соҳада олиб борилаётган илмий изланишларни ривожлантириш каби масалаларга қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан халқ таълими вазири Р.Жўраев умумий ўрта таълими муассасалари фаолиятига янги педагогик технологияларни жорий этиш жараёнининг моҳияти ҳақида гапирар экан, педагогик ва ахборот технологияларни таълим тизимига татбиқ қилишда мазкур анжуманда чуқур таҳлиллар асосида қабул қилинадиган тавсияларга кенг таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Республикамизнинг 10 минг умумий ўрта таълим мактабларида 550 мингга яқин педагог-ўқитувчилар фаолият юритади. Бу ниҳоятда катта кўрсаткич. Лекин ачинарли томони шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳам ўқувчи-ёшларга билим беришда, ўқув фанини ўқитишда бирдек ижодкорлик, фаоллик кўрсатмаяпти. Республикамизнинг турли мактабларида бўлганимизда, айрим ўқитувчилар савиясининг ниҳоятда пастлиги аён бўлади. 20 йиллик иш тажрибасига эга бўлган кимё фани ўқитувчиси бир пиёла сув ва бир пиёла ёғнинг қайси оғирроқ эканлигини фарқлай олмаса, чизмачилик фани ўқитувчиси оддийгина гугурт қутисининг турли кўринишларини (проекциясини) тасвирлаб бера олмаса, ёхуд турли фанларга оид асбоблар қўшни хонада чанг босиб ётса-ю, ўқитувчи қуруқ назариядан у ёғига ўтмаса. Албатта, бундай ҳолатлар давом этаверар экан, келажакда мазкур мактабларни битириб чиқаётган ёшлардан нимани кутиш мумкин? Айрим мактабларга борсак, чиройли ясатиб қўйилган компьютер хоналари фақат "хўжакўрсин" учун хизмат қилишини кўриб ажабланамиз. Наҳотки, математика, физика, кимё, биология каби фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланишни ўқитувчилар билишмаса? Биз таълим тизимига педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилар эканмиз, аввало бу муаммоларни ҳал қилиб олишимиз лозим, — деди, жумладан вазир ўз маърузасида.

Шунингдек, тадбирда хорижий давлатларнинг олимлари, юртимизнинг етакчи мутахассислари, таълим муассасалари ходимлари сўзга чиқиб, умумий ўрта таълимда янги ахборот технологиялари: мазмун, восита ва усуллар, педагогик технология назариясининг умумий асослари, экологик-маърифий технологиялар ва уларнинг моҳияти, ўқув материалларни мантиқий, мазмунли технология асосида лойиҳалаш каби мавзуларда ўзаро фикр алмашдилар.

Шундан сўнг иштирокчилар шўъбаларга бўлинишди ҳамда бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнига замонавий технологиялар жорий этилишининг бугунги аҳволи, эришилган натижалар таҳлили, муаммо ва ютуқлар юзасидан маърузалар тингланди.

Анжуман якунида тегишли амалий тавсиялар қабул қилинди.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Bolalarimiz orasida u yoki bu soha bo'yicha alohida iqtidorga ega bo'lganlari juda ko'p. Faqat bolalardagi qiziquvchanlikni so'ndirmasdan, aksincha, uni yanada o'stirib kamol toptirmoq kerak.

Ma'lumki, Xiva shahri tarixiy obidalarga boy. Shu sababli, tarix, geografiya, biologiya, milliy istiqlol g'oyasi fanlaridan o'tkazilgan noan'anaviy darslar "Ichanqal'a" qo'riqxonasi muzeylarida o'tkazilmoqda.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

"ЖАЖЖИ КОМПЬЮТЕРЧИ"ЛАР

— "Қалдирғоч" номидаги боғча-мактаб мажмуамиздаги боғча гуруҳларига иқтидорли кичкинтойлар танлаб олинади. Бу кичкинтойлар бошланғич таълим-тарбияни ҳам "Қалдирғоч"нинг ўзида олишади. Ундан сўнг гимназия типидаги мактабларга ўқишга юборилади...

Туман ХТБнинг мудири Аҳмаджон Бобоевдан бу илиқ хушхабарни эшитганимиз заҳоти ана шу ёш иқтидор соҳиблари ҳузурига бориш истагини билдирдик.

Омадни қарангки, биз борган кун "Қалдирғоч"да "Жажжи компьютерчи" мусобақаси ўтаётган экан. Компьютер олдида ўтирган катта гуруҳ тарбияланувчиси Давлатжон билан суҳбатлашдик:

— Компьютер бошқаришни ўрганганман. Компьютерда кўплаб ўйинлар ўйнай оламан, — дейди Давлатжон.

— Бугун қандай ўйинлардан мусобақа ўйнадинглар? — сўрадик ундан.

— Компьютерда футбол ўйнадик. Мен энг кўп гол урдим!

— Болаларимизнинг барчаси комьютерни бошқаришни билишади, — дейди боғча-мактаб мажмуаси мудираси Шарофат Хўжаева. — Улар режа асосида компьютер дарсларини ўтишади. Муаллимлар раҳбарлигида компьютерда ўзларининг ёш ва малакаларига мос у ёки бу тест саволларига жавоб топишади, турли-туман қизиқарли ўйинлар ўйнашади...

Қўш қаватли бинонинг барча хоналари кўнгилдагидек жиҳозланган. Мусиқа зали, спорт зали, компьютерхонаси, тил ўрганиш хонаси, саломатлик хонаси, футбол, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона ва қироатхона, мажмуа ҳовлисида ташкил этилган "Эртаклар шаҳарчаси", барчабарчаси кичкинтой иқтидорлилар ихтиёрига топшириб қўйилган.

— 2-синфдаги 24 нафар ўқувчига махсус дастур асосида дарс ўтаман, — дейди олий тоифали муаллима Мавжуда Аҳмедова. — Ўқувчиларим ўта иқтидорли болалар. Уларнинг келажагидан катта умидларим бор...

Болаларимиз орасида у ёки бу соҳа бўйича алоҳида иқтидорга эга бўлганлари жуда кўп. Фақат болалардаги қизиқувчанликни сўндирмасдан, аксинча, уни янада ўстириб камол топтирмоқ керак.

— Мажмуамизда асосий эътиборни болаларнинг нутқини ўстириш, бадиий адабиётлар билан ишлаш, кичкинтойларнинг математик қобилиятларини ўстириш, она тили ва инглиз тилларини ўргатишга қаратганмиз, — дейди Шарофат Хўжаева. — Тарбиячи ва ўқитувчиларимизнинг аксарияти танилган ва синалган, ўз устида мунтазам изланувчи педагоглардир. Мажмуамизда математика, информатика, тасвирий санъат, она тили ва инглиз тили тўгараклари мунтазам иш олиб боради. "Сариосиё қалдирғочи" деб номланувчи фольклор дастамиз бор...

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат" мухбири

ОБОД МАҲАЛЛАНИНГ ОБОД БОҒЧАСИ

Собир Раҳимов туманидаги "Камалак" номли 299-болалар боғчасининг дарвозаси пештоқига "Обод маҳалланинг — обод боғчаси" шиори ёзилган. Дарҳақиқат, боғча анча кўкаламзор, озода, ерлар чопилган, анвойи гуллар экилган. Манзарали ва мевали дарахтлар оқланган, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ўйин майдончалари уларнинг атрофларига қушлар расми чизилган. Жисмоний тарбия машғулотлари учун майдончада жойлашган нарвончалар, сирпанчиқлар, ўйин жиҳозлари таъмирдан чиққан.

Қизиқиб ичкарига кирдик, қани, бу ерда таълим-тарбия ишлари қандай олиб бориляпти экан? Услубчи Мухлиса Носирова шундай дейди:

— Машғулотлар даврида ҳар хил кўргазмали қуроллар, ўйинчоқлар, эртаклар, ҳикоялар, мультфильмлар, хуллас жамики воситалар билан болаларни машғулотга қизиқишларини оширамиз. Гигиеник қоидалар, кундалик бадантарбия-соғломлаштириш машқлари билан биргаликда ёз ойлари болаларни чиниқтириш учун сув спорти турларини ҳам кун тартибига киритганмиз.

Боғча мудираси Фарида Абдуллаева эса:

— Иқтидорли болаларимиз инглиз тили тўгарагига қатнашади. Каратэ, рақс тўгаракларимиз фаолият кўрсатаяпти. Мактабга тайёрлов гуруҳларимизни ўзбек ва рус тилларида I-тоифали тарбиячилар Лола Юлдошева ва Феруза Аъзамовалар олиб боришади. Буларни барчаси ота-оналарни қониқтиради. Шифокор, ҳамшира ва тарбиячиларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли кичкинтойлар соғлом тарбияланишаяпти.

Ҳамшира Людмила Шишкалова шундай дейди: — Биз ҳар куни эрталаб болаларни қабул қилишда "фильтр" деган тадбирни ўтказамиз. Шу билан уларни озодаликлари ва жисмоний соғломликларини текширамиз, ҳароратини ўлчаймиз. Агар болада касаллик аломати сезилса ота-оналарга бу ҳақида тушунтириш бериб, дарҳол поликлиникага мурожаат қилишни тавсия этамиз. Бошқа болаларга касаллик юқишининг олдини оламиз. Турли касалликларга, юқумли касалликларга қарши курашнинг энг асосий усули — эмлаш. Болаларни маълум муддатларда полиомиэлит, бўғма, қизамиқ, гепатит, грипп каби қатор юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирлари ўтказилади. Барча боғча хизматчилари, энагалар, фаррошлар, ошпазлар, тарбиячилар олдига асосий талаб қўйилган: — Ҳамиша, ҳамма ерда тозалик!

Шу куни мусиқа раҳбари Мавлуда Икромова очиқ машғулот ўтаётган экан. Мусиқани ижодий ҳикоя қилиш, мусиқада нутқ ўстириш, теварак-атроф билан танишиш, тасвирий фаолият тарбияси бўйича ўтказилган мужассамланган машғулот мусиқада айтмоқчи бўлган фикримизни сўз билан эмас, мусиқа товушлари ёрдамида ифодалаш ҳақида бўлди. Болалар машғулот давомида ўзлари ўрганган шеър, куй ва қўшиқларини ижро этишди. Мусиқа остида Наво Пари кириб келди. У болалар билан мусиқага оид савол-жавоблар қилди. Охирида болалар билан рақсга тушди. Томошабинларнинг кўнгли завққа тўлиб, болаларнинг келажагига равнақ тилашди.

Холида МИРСАЛИМОВА

Наманган вилояти Поп туманидаги 30-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Феруза Нуралиева катта гуруҳ болаларига ҳар хил ранглардан шакллар ясаш ва уларга тартиб беришни ўтгатмоқда.

Суратда: тарбиячи Ф.НУРАЛИЕВА болажонлар билан.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

КИТОБДАЙ ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС

Жиззах туманидаги 19-мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари қадрдон билим масканларига китоб совға қилишга аҳд қилишди. 76 нафар битирувчининг фикри бир жойдан чиқди: «Мактабга энг яхши совға — китоб».

Ўн бир йил мобайнида билим сирларини ўрганишимизда, дунёқарашимизни бойитишимизда, одоб-аҳлоқ сирларини ўзлаштиришимизда китобнинг хизмати беқиёс эканлигига амин бўлдик. Шу сабабли биз битирувчилар кутубхонамизга 50 минг сўмлик бадиий китоблар совға қилдик, — дейди 11-синф ўқувчиси Азиза Шерназарова. Мактаб раҳбари Муҳаммад Ўриновнинг айтишича, бу анъана уч йилдан буён давом этиб келмоқда. Натижада мактаб кутубхонасидан нафақат ўқувчилар, қишлоқ ёшлари, кенг китобхонлар жамоаси унумли фойдаланишмоқда. Шунингдек, бу йилги сўнгги қўнғироқ тантаналарида иштирок этган мактабни 10 йил ва 30 йил олдин битирган собиқ ўқувчилар ҳам мактаб кутубхонасига 55 минг сўмлик китоб совға қилдилар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Маърифат» мухбири

Saxovat

ЯХШИЛИК БОҚИЙЛИКДИР

Саховатли инсонлар ҳақида гапириш ҳузур бахш этади кишига. Айниқса, у инсон сенинг ўқувчинг бўлса, икки ҳисса қувонишинг турган гап экан...

... Марҳамат туманидаги Қорабағиш қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Олтибой Тўлибоев номидаги 35-мактаб биноси таъмирлашга муҳтож бўлиб қолган эди. Шу боис, мактаб раҳбари Адҳамжон Умаров бинони таъмирлашга ёрдам қўлини чўзадиган саховатпеша инсонларни излаб юрганди. Нияти холис чиқди унинг. Шу мактабнинг собиқ ўқувчиси Аҳмаджон Сайдалиев оиласи бюджети учун жамғариб юрган бир юз эллик минг сўм пулни ўзи ўқиган мактаб таъмири учун беришга аҳд қилди.

Турган гапки, ўқитувчилар собиқ ўқувчисининг бу ҳимматидан беҳад хурсанд бўлишди. Аҳмаджон Сайдалиевнинг ўтган йилги мурувватти учун ҳам, бу йилги саховати учун ҳам 35-мактаб жамоаси ва ота-оналар ундан миннатдор.

Ҳимматингизга балли, Аҳмаджон!

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Халқ таълими аълочиси

ЭЪТИБОР

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Навоий вилоятининг Қизилтепа ва Навоий туманларида "Оилада тиббий маданиятни ўстириш" дастури юзасидан иш олиб бораётган "ХОУП" лойиҳас ходимлари "Ғунча" ва "Бинафша" болалар боғчалари тарбияланувчиларига байрам совғалари улашди. Турли ширинликлар ва шарбатлардан дастурхон безатилиб, жажжилар сийланди.

— Болажонларимиз совға қилинган бир-биридан антиқа ўйинчоқларни кўриб жуда хурсанд бўлишди, — дейди "Ғунча" болалар боғчаси мудираси Райҳон Исматова.

Ўз навбатида тарбияланувчилар ҳам йўқлаб келган сахий қалб соҳиблари учун болаларча беғубор ҳаяжон, меҳр билан тайёрланган байрам дастурларини намойиш этишди.

Тадбир ташкилотчиси "ХОУП" лойиҳаси ходими Лилия Искандарова болаларга имкон қадар ғамхўрлик қилиш, дилбандларимизнинг фикри тоза, дунёқараши кенг, ақлан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига кўмаклашишнинг қанчалик аҳамиятга эгалиги ҳақида гапирди.

МУХБИРИМИЗ

ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Kasb-hunar kollejlarida

Хива педагогика касб-ҳунар коллежи сифатли педагог кадрлар тайёрлаб келаётган илм даргоҳларидан биридир. Айни кунда коллежда 10 та фан кафедраси мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ташкил қилинадиган таълим жараёни ўқувчиларнинг танлаган мутахассисликларини мукаммал эгаллашларига қаратилган. Ҳар бир фан ўқитувчисининг ўқув дастури асосида тузилган иш режалари фан кафедраларида кўриб чиқилади. Фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, дарс жадваллари ишлаб чиқилади. Жадваллар ҳар ўқув йилида икки маротаба тузилади.

Янги педагогик технологияларни жорий этиш, ўқувчилар билимини баҳолаш, тайёрланган мавзу матнларини компьютерга киритиш, уларни илмий услубий кенгашда кўриб чиқиш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, "Йил ўқитувчиси" танловларини ўтказиш коллежнинг услубиётчи мутахассислари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, коллежда фан кафедралари ҳафталиклари ўтказилиб, маълум кафедра аъзолари ҳафта давомида ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб, очиқ дарслар, учрашувлар, кенгашлар ўтказадилар. Яна бир фан кафедраси аъзолари эса бу тадбир ва дарсларда қатнашиб, иш ҳужжатлари, журналлар юритилишини кўриб чиқади. Якунида икки фан кафедра аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилади ва муҳокама қилинади. Бу услуб таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Коллежда янги педагогик технологиялардан, ноанъанавий услубдаги дарсларидан кенг фойдаланилади. Чунончи, саҳналаштирилган дарс, қўғирчоқ театри дарси, илмий эртак, давра суҳбати, анжуман, мусобақа, аукцион, суд, телекўрсатув, мунозара дарсларини ўтказиш ўқитувчиларнинг билим ва малакасини ошириб, доимо ўз устида ишлашга ундайди.

Маълумки, Хива шаҳри тарихий обидаларга бой. Шу сабабли, тарих, география, биология, миллий истиқлол ғояси фанларидан ўтказилган ноанъанавий дарслар "Ичанқалъа" қўриқхонаси музейларида ўтказилмоқда. Анъанавий педагогиканинг зарур ва фойдали томонларини унутмаган ҳолда Ал-Хоразмий, Феруз, Огаҳий, Жалолиддин Мангуберди каби сиймоларнинг жасорати, ватанпарварлиги, аҳлоқ-одоб меъёрлари ўқувчиларга дарс жараёнида чуқур ўргатилмоқда.

Коллежда ҳар ўқув йили давомида "Йил ўқитувчиси" кўрик танлови ўтказилади. Бу анъана 1997-1998 ўқув йилидан буён давом этмоқда. Танлов иштирокчилари бўлган ўқитувчиларимиз таълим янгиликларини ўзлаштириш даражаси, маънавий-маърифий дунёқараши, компьютер саводхонлигини мунтазам ошириб бориш имконига эгалар. Ғолиблар коллеж маъмурияти томонидан рағбатлантирилади.

Замон талаблари даражасида, янги педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтилган ҳар бир дарс жараёни видео тасмага ёзиб олиниб, услубий кенгашда кўриб чиқилади ва атрофлича таҳлил қилинади. Ушбу видео тасвирлар, янги педагогик технологиялар услубиёт хонасида сақланиб, шу тариқа ҳар бир ўқитувчининг фойдаланиши, ўзига керакли услубларни танлаб олиб, дарс жараёнида қўллаши учун имконият яратилган.

Услубиёт хонаси қошида ташкил қилинган "Ёш ўқитувчилар" кенгаши маъмурият томонидан тасдиқланган режа асосида иш олиб боради. Ҳар бир ёш ўқитувчига тажрибали муаллим бириктирилган бўлиб, улар биргаликда дарсларга қатнашадилар, журнал юритиш, баҳолашда бир-бирига ёрдам берадилар. Ҳар бир ёш ўқитувчининг бўш куни "услубиёт куни" ҳисобланади. Улар шу куни услубиёт хонасида бўлиб, 2 та услубий иш, 1 та услубий маъруза ёзиши режалаштирилган. Бу услубий ишлар — фан кафедралари билан биргаликда услубий кенгашда кўриб чиқилади ва тақриз ёзилади. Шунингдек, ёш ўқитувчининг ана шундай куни янги услубий қўлланма, дарслик, педагогик технологияларни қўллаб ўтилган очиқ дарс видеотасвирлари, компьютер ёрдамида тайёрланган дарслар билан танишиб боришига имкон яратилган. Бу кун ёш ўқитувчини ўз устида ишлашга, ўз билимини, малакасини оширишга ундайди.

Ҳозирги кунда коллежимизда Жанубий Кореядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналарини дарс машғулотлари ва лаборатория ишларида самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Коллежимиз Хива туманидаги касб-ҳунар коллежлари бўйича методик марказ ҳисобланиб, туман коллежлари ўқитувчилари учун доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил қилинган. Ижодкор, ташаббускор ўқитувчилар иш фаолиятини оммалаштириш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг иш фаолиятлари махсус стендлар орқали ёритиб борилмоқда. Бундан ташқари, ижодкор ўқитувчиларнинг алоҳида бурчаклари ташкил қилиниб, уларда ижодий ишлар, матбуотда чоп қилинган мақолалари, китоб ва тавсияномалар, услубий ишлар қўйилган.

Чунончи, ўқувчилар нафосат дидларини, ижодкорлик хусусиятларини шакллантиришда тажрибали педагог Б.Жуманиёзов кенг қамровли фаолият олиб бормоқда. У мудирлик қилаётган амалий санъат ўқув хонасида ўқувчилар мукаммал билим олишлари, ижодий қобилиятларини ривожлантириши учун барча қулайликлар яратилган. "Ўқитувчи иш фаолияти самарасини ўқувчиларнинг ютуғи баҳолайди" деганлари рост. 2001-2002 ўқув йилида ўқувчиларимиздан Дилшод Полвонов вилоят фан олимпиадасида чизмачилик фани бўйича 1-ўринни эгаллади ва республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди. 2002-2003 ўқув йилида шу фандан Рухсора Хўжаниёзова фахрли ўринни эгаллади. Собиқ талабамиз Мақсуд Латипов эса ушбу фан бўйича республика олимпиадасида фахрли I ўринни эгаллади.

Коллежимизда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўрганиш бўйича тажриба майдончаси сифатида услубиёт хонаси ташкил қилинган. Бу ерда мазкур фандан дарс берувчи ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича ўқишлар, илмий-амалий семинарлар минтақавий ва вилоят миқёсида ўтказилиб турилади.

Клара Отажонова,
Хива педагогика касб-ҳунар коллежи услубчиси,
Халқ таълими аълочиси

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНАЯПТИ...

аммо амалий ишлар давом этаверади

Jarayon

Узбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида белгиланган вазифалар, Президентимизнинг соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштиришга оид фармонларини амалга ошириш борасида Навоий вилояти халқ таълими тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда мавжуд муаммоларга ечим изланмоқда.

Мухбиримизнинг вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Х.Якубаев билан уюштирган мулоқоти шу хусусида бўлди.

— 2002-2003 ўқув йили ҳам якунланаяпти. Тизимда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бениҳоя экани шаксиз. Лекин кўнгилларни ёритувчи муваффақиятлар ҳам кам эмас...

— Ўғил-қизларимизнинг камолотидан етуклик ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари хизматларимизнинг энг катта самараси — олажак олий мукофотимиздир. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, 2002-2003 ўқув йилида умумтаълим фан олимпиадасининг Республика босқичида иқтидорли ўғил-қизларимиз яъни 10-синф ўқувчилари аниқ фанлардан халқаро олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловининг вилоят ғолиби Дилнаво Баҳронова республика босқичида иштирок этиб, унинг бир соатлик дарси ҳакамлар томонидан "Энг замонавий дарс" сифатида юқори баҳоланди. Совринли 3-ўринни эгаллаган муаллима Японияда малакасини ошириш ҳуқуқига эга бўлди... Бу каби муваффақиятларимиз талайгина.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича иқтидорини аниқлаш ва қизиқишларини ўстириш, билим самарадорлигини ошириш мақсадида "Сиртқи олимпиада мактаби" ташкил этилди. Шунингдек, вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманларда "Олимпиада заҳираси" мактаблари иш бошлади. Бу мактабдан ташқари таълим муассасасининг шаҳобчалари аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги мактабларда ўқитувчиларнинг қайси фанлардан пухта билимга эга эканлигига қараб очилади. Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари негизида юқори синфларнинг дарс жадвалига "Ахборотнома", "Вестник", "Хабарнома"лар фан сифатида киритилди. Яна бир салмоқли ишларимиздан бири таълим муассасаларида таълимнинг масофадан ўқитиш тизимини ташкил этиш мақсадида Республика Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда ҳар бир туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида, биттадан таянч мактабларида компьютер хизматини йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилди. Бошқарма муассислигида "Истиқбол ғунчалари" газетасининг лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифдосида нашр этила бошлангани ҳам тизимдаги янги ишларимиздан биридир. Газета орқали ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, улардаги ижодий қизиқишларни ўстириш борасида материаллар бериш билан бирга, фанлар йўналишидаги иқтидорини такомиллаштириш мақсадида сиртқи фанлар олимпиадаси ташкил этилган. Берилаётган саволларга жавоблар июнь-август ойларида якунланиб, ғолиб чиққан ўқувчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилиши кўзда тутилган. Халқ таълими бошқармасининг таклифлари инобатга олиниб, вилоят ҳокимининг "Вилоят мактаблар кунини ўтказиш тўғрисида"ги қарорининг чиқарилиши таълим муассасаларининг ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабларни замонавий талаблар даражасида жиҳозлаш каби муаммоларни ҳал этишда катта кўмак, эътибор бўлди. Шу мақсадларда ҳар ойнинг учинчи жумаси вилоятда "Мактаблар куни" деб белгиланган...

— Ёшларнинг таълим-тарбиясидаги мукаммаллик муаллимнинг салоҳияти билан боғлиқ. Шу боис, ўқитувчиларнинг ижодий изланишлари хусусида олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 2-босқич вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнини услубий жиҳатдан таъминлаш, ўқув муассасаларига методик хизмат кўрсатишни кучайтириш кўзда тутилган. Бу эса педагогик ходимларнинг ижодий изланишларига кенг йўл очади ва самарасини кўрсатаяпти ҳам. Жумладан, Қизилтепа туманидаги география фани ўқитувчиси тест саволлари тузиш бўйича Республика ғолиби Т.Комоловнинг тестлар тўплами, дарс ишланмалари республика миқёсида оммалаштириш учун Республика тест марказига топширилган. Педагогика фанлари номзоди У.Йўлдошевнинг "Узингизни билишни хоҳлайсизми?" "Тезкор савол-жавоблар", "Донишмандларимиз бисотидан" сингари рисолалари чоп этилди. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

— Маълумингизки, баъзи туман мактабларида мутахассислар етишмаслиги ҳолатлари ҳам учраяпти. Бу масала қандай ҳал этилади?

— Худди шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида вилоят ҳокимининг Навоий Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ўтказган учрашувида бир қатор таклифлар ўртага ташланди.

Умумтаълим мактаблари учун мутахассислар тайёрлаш айниқса, таълим рус ва қозоқ тилларида олиб борилаётган ўқув даргоҳларида бу масала муаммога айланаётгани муҳокама этилди. Шунингдек, вилоят халқ таълими ва Адлия бошқармаларининг туман, шаҳарларда "Очиқ эшиклар" кунини ўтказиш бўйича қўшма буйруғи чиқарилди ва жадвали тасдиқланди. Уйлайманки, бу борада ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлади.

— Ёшларнинг касб-ҳунарга қизиқишларини ошириш ва мактаб иқтисодини кўтариш мақсадида сармоядан ташқари маблағ топиш ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Албатта, йигит-қизларимизга таълим-тарбия бериш билан бирга уларни касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорликка ўргатиб бориш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири. Айни пайтда Навоий шаҳар, болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйида "Ўсмирлар", "Зиёкор", "Ижодий изланиш" клублари, Нуротадаги БУИУда эса "Саватсозлар", "Зардўзлик", "Ёш шоирлар" тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Айтиш жоизки, ушбу тўгараклар ҳисобидан яхшигина даромад қилинаяпти. Шунингдек, 8000 тўп терак парваришланиб, 30 бош қўй боқилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси маркетинг бўлими томонидан жорий йилнинг 1 чорагида 3972,2 минг сўмлик, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишидан 596,1 минг, пуллик таълим хизмати кўрсатишдан 339,5 минг, ишлаб чиқаришдан 503 минг, биноларни ижарага бериш ҳисобидан 2082,1 минг, бошқа турлардан 451,5 минг сўмлик сармоядан ташқари маблағ топилган. Эътиборлиси, ушбу сармоя таълим муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва кам таъминланган ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда. Бу эса ўз-ўзидан таълим сифатининг ўсишига таъсир кўрсатиши тайин.

— Вилоят халқ таълими тизимида бугун қандай масалаларни ҳал этиш долзарб ва муҳим деб ҳисоблайсиз?

— Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 375 та умумий ўрта таълим мактаблари бўлиб, улардан 7 таси авария ҳолатида. Албатта, бу ўқув муассасаларини жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳисобига авария ҳолатидан чиқариш кўзда тутилган. Айримлари манзилли дастурларга киритилган. Қурилиши тугалланмаган мактаблар ҳам анчагина... Мазкур муаммони ҳал этиш эса кечиктириб бўлмас вазифа. Бундан ташқари, умумтаълим фан олимпиадасининг 3-босқичида бирорта ҳам ўқувчимиз тарих ва информатика фанларидан етарли балл тўплай олмагани учун Республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлмади. Демак, ушбу фанларнинг ўқитилиши вилоят мактабларида ночор аҳволда. Шу боис, ҳозирда ушбу фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш, педагогларни қайта тайёрловдан ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шунингдек, ўқувчиларимизнинг таълим-тарбияси билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратсак, вилоят ИИБ нинг вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлими ҳисобида турувчи мактаб ўқувчиларини ўтган йил таҳлил этганимизда, 201 нафардан 202 нафарга, мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчилик 1 тадан 4 тага кўпайганини кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси олдимизда қатор-қатор бугуннинг ечимталаб муаммолари турганини кўрсатади. Бу эса биздан янада ўткир нигоҳ, тадбиркорлик, маҳорат ва фидойиликни талаб қилади.

Суҳбатдош:
Ойбуви ОЧИЛОВА
«Ma'rifat»нинг Навоий вилояти бўйича махсус мухбири

Xuddi shuning uchun ham yigit va qizlarimizga ushbu tarixiy yodgorliklar to'g'risida bor haqiqatni ishonchli ilmiy manbalarga tayanib yetkazmog'imiz darkor.

O'quvchilariga sigaret chekmaslik, aroq ichmaslik haqida sinfxonada gapirib, sinfdan chiqqandan so'ng bir qultum otib olib, kayf ustiga kayf bo'lsin deya, labiga sigareta qistirgan «hamkasblarim»ni ko'rganda ensam qotadi.

БАРКАМОЛЛИК АЛОМАТИ

Инсонда мавжуд бўлган барча қобилият, малака ва истеъдодни миллат манфаати учун сафарбар қилувчи куч — миллий ғурурдир. Миллий ғурур деганда ўз миллатининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини чуқур англаб етиш, она тили, дини, маданияти, адабиёти ва санъати, тарихи ва анъаналаридан фахрланиш туйғуси тушунилади.

Миллий ғурурнинг шаклланишида маданий мерос бениҳоя катта роль ўйнайди. Чунки, маданий мерос ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг тарихий онги, унинг қадр-қимматидир. Инсон ақл-заковатининг меваси бўлмиш маданий мерос халқнинг бир авлодидан иккинчи авлодига ўтиб келаётган моддий ва маънавий қадриятларининг йиғиндисидир. Шу боисдан ҳам юртимизда бошланган янгиланиш борасида ёшларнинг ўтмиш маданий меросимиздан, улуғ аждодларимиз ақл-заковатидан фахрланиш, тарихий маданий-маънавий қадриятларимизни ардоқлаш учун бугунги ва келажакдаги долзарб вазифаларни аниқлаб олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу туфайли миллий маънавиятимиз ва маданий меросимизга холисона муносабатда бўла бошладик.

Президентимиз «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида таъкидлаганидек, «узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало миллий маданиятимиз ва анъаналаримизни йўқ қилишга, шу билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар».

Маданий меросимизнинг тикланиб, халқимиз учун хизмат қилаётганлиги энг катта маънавий ютуқларимиздандир. Эндиликда ўтган асрнинг 20-30 ва 40-50-йилларининг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилганликлари учун миллатчиликда айбланиб қатағон қилинган фанимиз ва маданиятимизнинг бир қанча таниқли арбоблари тўла оқланди. Ноҳақдан-ноҳақ қамалиб, ўлимга ҳукм қилинган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари адибларимизнинг адабий меросларини ҳозирги пайтда халқимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганиляпти. Уларнинг асарлари одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоий адолат учун курашга, ноҳақликка нисбатан муросасизликка миллий истиқлолимиз, эркимиз ва озодлигимиз учун дадил кураш олиб боришга даъват этади.

Мустақиллик яратиб берган беқиёс имкониятлар, Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги бўлмаганда қисқа муддат ичида халқимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги ноёб тарихий-маданий ёдгорликлари таъмирланмаган

Ta'kid

бўларди. Ўзбек халқининг энг буюк алломалари яратган, лекин ҳозирда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кутубхоналарида, музейларида сақланаётган нодир қўлёзмаларни излаб топиш, илмий таҳлил қилиш соҳасида бу қадар хайрли ишлар қилинмаган бўлар эди.

Инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт тажрибасидан маълумки, қайси жамият аъзолари ўз маданий-маънавий меросини қадрласа, ўзида мавжуд бўлган барча моддий ва маънавий имкониятларини оддий фуқароларни ардоқлашга сафарбар этса, ўша жамиятда тинч-тотувлик, маънавий, маданий, иқтисодий барқарорлик ҳукм сурган. Аксинча, кишилар маънавиятини, маданиятини унутган жамиятда, ҳар томонлама қашшоқлик рўй берган. Худди шунинг учун ҳам маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурни шакллантириш жараёнини тезлаштиради.

Мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон шаҳарларида бугунгача сақланиб қолган 10 мингдан ортиқ тарихий-меъморий ёдгорликлари, асрлар садосини аждодлардан етказиб келаётган қадимий мақбаралар, миноралар, саройлар сардобалар халқимиз ўтмишда буюк маданий меросга эга бўлганлигидан далолат беради. Бироқ, ушбу бебаҳо маданий ёдгорликлар эксплуататорлар томонидан халқни оғир даҳшатларга гирифтор қилиш эвазига бунёд этилган, деган ғайри-илмий ақидалар мустабид тузум мафкурачилари томонидан кишилар онгига сингдириб келинди. Бундай англашилмовчиликлар тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш ишларига салбий таъсир кўрсатди. Худди шунинг учун ҳам йигит ва қизларимизга ушбу тарихий ёдгорликлар тўғрисида бор ҳақиқатни ишончли илмий манбаларга таяниб етказмоғимиз даркор.

Бутун жаҳонни лол қолдириб, минг-минглаб сайёҳлар кўзини қамаштириб, ҳайратга солаётган тарихий обидаларга сарфланган маблағларнинг кўпроқ фоизи ўша давр подшоҳиклари, амириклари хазинасидан олинган. Ҳозирги кун талаби билан айтадиган бўлсак, ўша машҳур тарихий-маданий обидалар қурилишлари давлат бюджети ҳисобидан олинган маблағлар ҳисобига бажарилган. Ушбу марказлар ўз бағрига машҳур олимлар, фозиллар, шоирлар, ҳаттотлар ва рассомларни бирлаштирган. Сайллар, маърақаларда ушбу ижтимоий-маданий марказлар фуқаролар кайфиятини кўтарган, маънавий қувват ато этган, янги-янги зафарларга ундаган, ёшларни эса одобу ахлоқа, ҳалоллигу покликка, ботирлик, мардлик, ватанни ҳимоя қилишга чақирган. Шу боисдан илм, фан, маданият, санъат арбоблари сарой аъёнлари билан бир поғонада туришган, уларга иззат-ҳурмат кўрсатилган, катта маош тайин этилган. Қисқа қилиб айтганда, халқимизнинг маданий мероси ҳақида йигит-қизларимизга бор ҳақиқатни етказиш, уларда миллий ғурурни шакллантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Тоҳир ҚУРБОНОВ,
Қарши Давлат университети ўқитувчиси

ТИЛ БИРЛИГИ — МИЛЛАТ БИРЛИГИ

Агар дунёда бирон-бир муқаддас, абадий ва ҳаётий туйғу бўлса, бу ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий онгидир, миллий ўзлигини англашидир. Миллий ўзлигини англашнинг биринчи белгиси миллий тил экан, у миллатнинг миллат бўлиб шаклланишида энг муҳим шартлардан саналади. Эл бўлмаса, миллат бўлмаса, турган гапки тил ҳам йўқ. Зеро, тил — миллат тириклигининг, унинг яшаб турганлигининг ва фаолият кўрсатаётганлигининг асосидир.

Тил одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, балки у ёки бу миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти. Кўп асрлик ривожининг кўзгуси ҳамдир.

Бизнинг тилимиз қадимий ва бой тарихга эга. Шундай экан Ватанимизнинг, халқимизнинг, тилимизнинг ўтмишини ўйлаш бугунимизни қадрлашга, келажагимиз ғамини ейишга ўргатади. Тилимиз кўплаб миллатпарвар бобоколонларимиз жонкуярликлари эвазига авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ёдга олсак, илк бор туркий тилда Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ва Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарлари яратилиб, туркий тилларнинг ривожланиши, мустақил тил сифатида шаклланиши даврини бошлаб берди.

Соҳибқирон Амир Темур эса туркий тилнинг обрў-эътиборини кўтариш, унинг фаолият доирасини кенгайтириш, дипломатик муносабатлар, давлатнинг турли ҳужжатлари юритиладиган тилга айлантиришга алоҳида эътибор бериб, халқ руҳини кўтариш, ўзлигини англаши учун дастлаб унинг она тили мавқеини кўтариш лозимлигини тушуниб, туркий тилни давлат тили мақомига кўтарди.

Алишер Навоий эса она тилини ҳимоя қилиш, унинг бойлиги ва софлиги учун курашчи сифатида майдонга чиқди. Илло, улуғ шоирнинг бош муддаоси миллат бирлиги эди. Тил бирлигини миллат бирлигининг муҳим белгиси деб қарасак, Навоий миллатнинг бирлигига мана шу омил орқали эришиш мумкинлигини англаб етганини тушунишимиз мумкин.

Ўша мустамлака даврларда ўзларининг тараққийпарвар ғоялари билан ёниб яшаган маърифатпарварларимиз миллатни танитишда эрк, озодлик, тараққиёт сари етакловчи куч сифатида намоён бўлдилар. Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари зиёлиларимиз халқимиз онгини, миллий тафаккурини ўстириш, миллий тилимизни сақлаш учун курашдилар. Абдулла Авлоний тилни миллат руҳи сифатида кўрди. «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти — тили ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак, миллат руҳини йўқотмакдир» дея бонг урди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ибораси билан айтганда «...Ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар».

Халқимизнинг эркинликка, тараққиётга ва истиқлолга бўлган азалий интиқлиги сўнмади, аксинча юрак-бағрига теран ўрнашган мустақиллик ва озодлик туйғуси тобора қудратли кучга айланди. Маърифатпарвар бобокалонларимиз ниятларининг рўёби сифатида халқимизда миллий ифтихор, ўз-ўзини англаш ҳисси кучайиб, анъаналар, маънавиятни тиклаш, тил обрў-эътиборини кўтариш орқали миллатни дунёга танитиш улуғ мақсадга айланди. 1989 йилнинг октябрида эса ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши ана шу мақсадга етишиш йўлидаги асос бўлиб хизмат қилди.

Обиджон УММАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академияси тингловчиси

МАСЪУЛИЯТНИ ОҚЛАЯПМИЗМИ?

Устозлар ҳақида ўйлаганда ёдимга бир ривоят тушаверади. «Бир кишининг ўғли ширинликни жуда кўп истеъмол қилар, отаси унинг зарари ҳақида қанча кўп гапирмасин ҳеч қулоққа олмас экан. Кунлардан бирида отага ҳамқишлоқлари «фалон жойда бир нотиқ бор, гапирган гапи таъсирсиз қолмайди. Ўғлингни ўшанинг олдига олиб бор, бир гапириб кўрсин, зора гапи ўғлингга таъсир қилиб ширинлик ейишни камайтирса», деган мазмунда насиҳат қилишибди. Бу гап отага маъқул тушиб, ўғлини олиб ўша одам ҳузурига равона бўлибди. Аммо уларнинг муддаосини эшитган нотиқ «ҳозир ўғлингга ҳеч нарса демайман, бир ойдан сўнг олиб кел», дея уларни изига қайтарибди.

Орадан бир ой ўтиб, ота ширинхўр ўғли билан яна нотиқ ҳузурига келибди. Нотиқ унинг ўғлига сўз сеҳри билан ширинликнинг зарари ҳақида бир неча оғиз гап айтибди. Унинг гапларидан таъсирланган ўғил ўша лаҳзадан бошлабоқ ширинликни кўп ейишни тарк этибди. Бу ҳолдан суюнган ота кетар чоғида нотиқдан «Шу таъсирли сўзларингизни бир ой олдин нима учун айтмагандингиз» деб сўрабди. Нотиқ шундай жавоб қилибди: «Бир ой олдин менинг ўзим ҳам ширинликни кўп ердим, сиз ўғлингизни олиб келганингиздан сўнг унга гапириш учун бир ой ҳаракат қилиб ширинлик ейишни мутлақо тарк этдим. Сўз амали билан кучли. Ўғлингизга ширинлик ема десаму ўзим ширинлик еб турсам, ўғлингиз сира ҳам сўзимни қабул қилмасди». Бу гапларни эшитган ота нотиқнинг ақлига тасанно ўқиганча ортига қайтган экан».

Бу-ку бир ривоят. Ундаги воқеалар айнан бўлиб ўтган деган фикрдан йироқ бўлган ҳолда, бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Ривоятда озми-кўпми ҳақиқат яширин бўлиши табиий — у ҳам бўлса, устоз ибрати.

Устозлик — масъулиятли касб. Унинг масъулиятини ҳис этиш, ўқувчиларга айтиладиган гапларга аввал ўзи риоя этиш устознинг бурчи. Бурч эса муқаддас. Унга панжа ортидан қараб бўлмайди, бордию шундай бўлса бурчнинг муқаддаслиги йўқолади. Мен ўзимга мана бу саволларни жуда кўп бераман: Ўқувчиларга нималар ҳақида гапирдим? Гапирган нарсаларимга ўзим амал қиляпманми?

Айнан мана шу саволлар мени устозлик маъсулиятини унутмасликка ундайди.

Мактабларда тарбиявий соатлар бор. Бунда синф раҳбари ўқувчилар билан яқиндан мулоқотга кири-

Mulohaza

шиб бир қанча масалаларни муҳокама қилади. Бундай масалаларнинг аксарияти тарбияга, одоб-ахлоққа бориб тақалиши маълум, аммо тарбиявий соатларнинг тарбия доирасидан ташқарига чиқиб кетадиган, аксарият ҳолларда ўқувчиларни ранжитадиган даражага бориб етишини қувончли ҳол деб бўлмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, устоз ҳар қандай масалада ибрат бўла олиши лозим. Энди тасаввур этиб кўринг, ўз ўқувчиларига тарбиявий соат ўтаётган ўқитувчи, одоб-ахлоқ борасида ўйлаб ҳам ўтирмай бақириб-чақириб одобсизларча маъруза қилсаю яна уларнинг қулоғига гап кирмаслигидан нолиса.

Келинг соддароқ бир мисол келтириб ўтай. Бир дарсимда ўқувчиларимга светофор ҳақида гапириб бериб, кўчада унинг имо-ишораларига қатъий риоя этиш лозимлигини айтиб ўтдим. Эртасига дарсга келсам, бир ўқувчим мендан ўзим турадиган уй ёнидаги светофор яхши ишлашмаслигини сўради. Дарҳол тушундимки, гап айланиб келиб кечаги воқеага тақалмоқда эди. Кеча магазиндан чиқиб шошганимдан яшил чироқ ёнишини кутиб ўтирмаёқ кўчани кесиб ўтишга журъат қилган эдим. Демак, буни шу ўқувчим кўрган ва мендан атайлаб, светофор ишлаш ёки ишламаслигини сўрамоқда эди. Унга ҳаммасини тўғри тушинтирдиму аммо ўзимга алам қилди. Унинг олдида ўзимни ёлғончидай сездим гуё. Билмадим ўшандан кейин у светофорга амал қиладими, йўқми.

Университетда бир ўқитувчимиз бўларди. Кекса киши эди, гоҳида кимнингдир субутсизлигидан ранжиса шундай танбеҳ берарди: «Ҳой-ҳой, бўтам, мен сизга зўғум қилганим йўқ. Сизга бор гапни айтяпман, бу туришингиз билан узоққа боролмайсиз. Эртага сиз ҳам шогирдлар етиштирасиз, бу тариқа айтган гапингизда турмасангиз уларнинг олдида зиғирча ҳам обрў ололмайсиз».

Мана бугун бу гапларнинг мағзини чақиб етяпман. Ўқувчиларига сигарет чекмаслик, ароқ ичмаслик ҳақида синфхонада гапириб, синфдан чиққандан сўнг бир қултум отиб олиб, кайф устига кайф бўлсин дея, лабига сигарета қистирган «ҳамкасбларим»ни кўрганда энсам қотади. Хаёлимда эса бир савол айланаверади: Уларнинг ўзи амал қилмаган гапига ўқувчилари амал қилармикин?

Бу саволга жавобни юқоридаги ривоятдан топгандай бўламан. Азиз ҳамкасб, сиз устозлик маъсулиятини ҳис этасизми? Сизга ишониб топширилган ёш авлод тарбиясига ўз амалсизлигингиз билан путур етказмаяпсизми? Умуман, устозлик маъсулиятини оқлай оляпсизми?

Нормўмин ЎТАНОВ,
ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейи ўқитувчиси

Qatag'on qurbonlari

АТОҚЛИ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ДРАМАТУРГ

Ҳожи Муин туғилган кунининг 120 йиллиги муносабати билан

Миллий уйғониш даври адабиёти ва санъатининг порлоқ юлдузлари орасида яна бир юлдуз бор. Бу — Ҳожи Муин юлдузи.

Ҳожи Муин 1929 йили «Овози тожик» газетасида адабий ходим ва мусаҳҳиҳ бўлиб хизмат қилаётган кезларида йўл қўйган техник хатоси учун уч йилга Сибирга сургун қилинган. 1932 йили Канск округининг Пугачан туманидан омон-эсон қайттач, орадан кўп ўтмай, 1937 йил талотуми бошланган ҳамда у 1938 йил 24 январда советларга қарши тарғибот ва жосусликда айбланиб, 10 йилга кесилган. Хуллас, миллий уйғониш адабиётининг йирик намояндаларидан, истеъдодли шоир, драматург, журналист ва театр ташкилотчиларидан бири 1942 йил 21 июлда Соликамск шаҳридаги ўлим лагерида жон таслим этган. Ана шу икки даҳшатли воқеа туфайли Ҳожи Муин юлдузи узоқ йиллар мобайнида мустабид тузумнинг қора булутлари остида қолиб келди.

Ҳожи Муин 1883 йили Самарқанд шаҳрининг Руҳобод маҳалласида, Гўри Амир билан бақамти ҳовлида, дўкондор оиласида дунё юзини кўради. Ўн икки ёшида ота-онасидан етим қолган Муинжон бобоси қўлида тарбия топиб, шоир Васлийнинг Улуғбек мадрасасида фаолият кўрсатган диний ўрта мактабида таълим олади. Кўп ўтмай, у М.Беҳбудий ва А.Шакурий сингари илғор маърифатпарварларнинг таъсир доирасига ўтиб, Хўжа Нисбатдор маҳалласида янги усул мактабини очади. Шу йиллардан бошлаб у ўзбек ва форс-тожик тилларида ўқув қўлланмалари ёзиб, шеърлар машқ қилади. Айни пайтда устози М.Беҳбудийнинг тарих, жўғрофияга оид рисолаларини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилади. Унинг «Раҳнамои савод», «Раҳбари бесавод» (Исматулла Раҳматуллаев билан ҳамкорликда), «Гулдастаи адабиёт», «Ислом ақидалари» сингари ўзбек ва форс-тожик тилларидаги асарлари ва таржималари М.Беҳбудий матбаасида нашр этилиб, жадид мактабларига бепул тарқатилади.

Самарқандлик маърифатпарварлар жадид мактабларидан ташқари, М.Беҳбудий бошчилигида кутубхона, болалар учун беморхона, хотин-қизлар учун усули жадид ва ҳунар мактабларини ташкил этадилар. Айниқса, М.Беҳбудий муҳаррири бўлган «Самарқанд» газетаси (1913-1914) ва «Ойна» журналининг (1913-1915) нашр этилиши нафақат Самарқанд шаҳри, балки Туркистон ўлкасининг ижтимоий ва маданий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ҳожи Муиннинг адабий ижоди ва дунёқараши ана шундай қизғин жараёнда шаклланиб борди.

«Ойна» журналининг дастлабки сонида бундай хабар босилиб чиққан: «Беҳбудий жаноблари-нинг овропоча тиётр ташкил қилиш борасидаги интилишлари амалга ошадургон бўлубдур... Шу йилнинг 15 сентябрида ушбу тиётрни ташкил қилиш бўйича таъсис бўлур. Унга миллат фидойиларини, муаллим ва сармоядорларни лутфан таклиф қилур. Таъсис кенгаши Беҳбудий матбаасинда соат 17:00 да кечур».

М.Беҳбудий ва самарқандлик маърифатпарвар бой Акобир Шомансур ўғли раислигида ўтган таъсис кенгашида 15 нафар «миллат ёшлари» иштирок этадилар. Улар орасида, шубҳасиз, Ҳожи Муин ҳам бор эди. Кўп ўтмай, Самарқанд шаҳрининг ҳозир Сайид Мир Барака номи билан аталган кўчадаги уч қаватли бино ҳовлисида биринчи ўзбек пьесаси — «Падаркуш»нинг репетициялари бошланиб кетади. Ҳожи Муин М.Беҳбудийнинг содиқ ва истеъдодли шогирди сифатида труппа мудири ва суфлёр вазифаларини бажаради. 1814 йил 15 январь куни эса «Падаркуш»нинг илк бор намойиш этилиши билан ўзбек театрининг шавкатли тарихи бошланади.

Шу тарихий кунда бахмал пардаси илк бор кўтарилган ўзбек театрининг М.Беҳбудийдан кейинги иккинчи ташкилотчиси Ҳожи Муиндир. Ҳожи Муин жадид драматургиясини ўзининг «Тўй» (Нусратилла Қудратилла ўғли билан ҳамкорликда), «Бой ила хизматкор», «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Қози ила муаллим» каби пьесалари билан бойитди.

Ўзбек театрининг дастлабки тадқиқотчиси Миён Бузрук Солиҳов «Ўзбек театрининг тарихи учун материаллар» китобида Ҳожи Муиннинг «Мазлума хотин» пьесаси тўғрисида маълумот бериб, бундай сўзларни ёзган: «Тажриба ва маълумотнинг бир даража кенгайиши таъсири билан бўлса керакки, 1916 гача чиққан ўзбекча пьесалар ораларида «Мазлума хотин» бир даража жасоратли тусда ёзилади. Унинг ёзувчиси Ҳожи Муин-Меҳрий асосан Беҳбудийнинг яқин фикрдоши ва шогирди бўлиш билан бирга мадраса таҳсили кўрган, замонига кўра маълумотли кишидир. Адабий ҳаётда Беҳбудий таъсири остида ва унинг гуруҳидан бўлиб боради. Шеърлари, таълимий мақолалари, наширий хизматлари билан танилган бир кишидир. Айни замонда февраль инқилобидан бурунда энг кўп пьеса ёзган киши деб айтилса бўлади».

Миён Бузрук Солиҳовнинг бу сўзларида Ҳожи Муиннинг ўзбек театри тарихидаги ўрни ва ўзига хослиги мухтасар бир шаклда тўғри очиб берилган.

Кези келганда айтиш ўринлики, Нусратилла Қудратилла ўғлининг «Тўй» пьесаси 1914 йилда нашр этилган. Айрим театршунослар шу фикрдан келиб чиққан ҳолда Нусратилла Қудратилла ўғлининг бевақт вафоти (1915 йил)дан кейин Ҳожи Муин мазкур асарга ҳам муаллиф бўлиб олган деган фикрни илгари сурдилар. Ҳолбуки, «Ойна» журналининг 1914 йил 3-сонида «Тўй» пьесасида йўлга қўйилган нуқсон ва камчиликлар танқидга учрагач, Ҳожи Муин «Тўй» муаллифи вафот этганлиги сабабли, устози Беҳбудийнинг маслаҳати билан асарни қайта ишлаб чиққан ва бу ҳақда мазкур журналнинг 1915 йил 7-сонида эълон қилинган «Танбеҳга ташаккур» номли мақоласи билан жамоатчиликни огоҳлантирган.

Ўзбек халқининг ижтимоий, маданий ва маиший турмушидаги нуқсонларни шафқатсизлик билан очиб ташлаш ҳамда шу йўл билан жаҳолат иқлимида яшаётган халқнинг басират кўзларини очиш жадид маърифатпарварларнинг бош мақсади эди. Ўз олдига худди шу нарсани мақсад қилиб қўйган бошқа жадид драматурглари қатори, Ҳожи Муин ҳам ўз асарларида XX асрнинг 10-йиллари учун айниқса муҳим бўлган мавзуларни қаламга олди. Унинг юқорида тилга олинган пьесалари катта муваффақият билан саҳналаштирилиб, кишилар онгининг секин-аста ўзгара бошлаши, уларнинг ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларини тушунишлари, ҳаётда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни ҳушёр кўз билан кузата бошлашларига ёрдам берди. Тўй-ҳашамларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйишнинг фожиали оқибатлари «Тўй» пьесасида, гиёҳвандликка берилган кишиларнинг фисқ-фасодлари «Кўкнори» пьесасида, хотин-қизларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш, уларни қундош ёрдамида таҳқирлаш воқеалари «Мазлума хотин» асарида ҳаққоний тасвир этилган. «Эски мактаб, янги мактаб» пьесасида эса драматург воқеликда пайдо бўлаётган янги тамо-йилларни астойдил қўллаб-қувватлаб, халқнинг келажаги шу тамойилларни тўғри қабул қилиши ва уларнинг қанот ёзишига ёрдам бериши билан бевосита боғлиқ эканини айтган.

Кўринадики, ўтган асрнинг 10-йилларида яратилган бу асарларда кўтарилган ижтимоий масалалар бугун ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

1916 йил Ҳожи Муин учун ғоят самарали кечди. У шу йили «Эски мактаб, янги мактаб» (январь ойида), «Кўкнори» (март ойида), «Мазлума хотин» (июль ойида), бундан ташқари, «Жувонбозлик қурбони», «Бой ила хизматкор», «Қози ва муаллим» саҳна асарларини ёзган.

Ҳожи Муин 1918 йилнинг июнь ойида театр оламидан узоқлашиб, «Меҳнаткашлар товуши» газетасига муҳаррирлик қилади. Аммо М.Беҳбудийнинг фожиали вафотидан кейин яна театрга қайтиб, Халқ театрининг репертуар бўлимида мудир бўлиб хизмат қилади. У айни пайтда Самарқандда фаолият юргизаётган «Адолат» (форс-эрон), «Тарбут» (Бухоро яҳудийлари), «Бетгаам» (Европа яҳудийлари), «Рада Украина-Малороссия» (украин ва рус), «Искра» (арман) ҳаваскор труппаларини ҳам янги асарлар билан таъминлаб, уларнинг «Халқ театри»дан ташқари, «Ҳуррият уйи», «Вокзалолди театри» ва «Гарнизон театри» саҳналарида кўрсатажак томошаларини ташкил этади, «Агитпоезд» ва «Агитарава»лар билан труппаларни гастролларга юборади. Ҳожи Муиннинг миллатлараро маданий алоқалар туташган нуқтада олиб борган самарали фаолияти унинг қаламига мансуб асарларнинг бошқа тилларга таржима этилиши ва ижро этилишига имкон туғдиради.

Қўлимиздаги ҳужжатларга қараганда, Ҳожи Муиннинг "Эски мактаб, янги мактаб" асари 1918 йил 21 июнь куни, халқ сайиллари вақтида, соат 12 ва соат 2 да Шердор мадрасасида Маориф касаба уюшмалари ҳамда шаҳардаги мактаб болалари учун намойиш этилган. "Мазлума хотин" пьесаси 1918 йил 5 апрелда "Халқ театри"да М.Толмасов раҳбарлигида яҳудий тилида саҳналаштирилиб, ижро этилган. Антракт пайтида Шарқ чолғу оркестри, шоирлар, ҳофизлар ва нотиқлар ҳам ўз санъатларини намойиш этишган. 1919 йил 21-23 февраль кунлари "Халқ театри"да яна шу асар А.Лимантов-Юрьенев постановкасида рус тилида саҳна юзини кўрган. Антракт пайтида Назирахоним, Руҳулло Ҳусаинов, шунингдек, "Беҳбудий" ва "Адолат" труппаларининг хорлари концерт номерлари билан иштирок этганлар. Яна шу асар 1921 йил 20-22 февраль кунларида "Шарқ" клубида бухоро яҳудийларининг "Тарбут" труппаси томонидан намойиш этилган. Мазкур асар рус тилига Л.Сайфуллина ва Абдулла Бадрий, иврит тилига Софья Белой, яҳудий тилига эса А. Авезов томонидан таржима этилган. Хуллас, Ҳожи Муиннинг "Бой ила хизматкор" пьесаси Самарқанддаги Рус драма театри ва "Беҳбудий" мусулмон труппаси, "Мазлума хотин" Эрон форсларининг "Адолат", Бухоро яҳудийларининг "Тарбут", Европа яҳудийларининг "Бетгаам" труппалари репертуарида узоқ вақт муваффақият билан ижро этилиб келган. Маълум бўлишича, "Ҳуррият уйи"да "Эски мактаб, янги мактаб" асари 1920 йил март кунлари намойиш этилганда кундузги спектаклга 390 киши келган ва тушум 16 минг 200 сўмни ташкил этган.

Ўтган асрнинг 10-50-йилларида ўзбек драматургининг бошқа бирорта асари бу қадар кўп труппалар томонидан турли тилларда намойиш этилмаган.

Ҳожи Муин Беҳбудийнинг фожиали вафотидан кейин "Меҳнаткашлар товуши" газетасининг 1919 йил 23 апрель сонида устозининг сирли равишда ғойиб бўлгани ҳақида биринчи бўлиб хабар берди. 1925 йилда эса марҳум устозига бағишланган "Маориф қурбонлари" пьесасини ёзиб, истиқлол фидойиси образини театр саҳнасига олиб чиқди. Афсуски, бу пьеса Ҳожи Муиннинг театр санъати соҳасидаги энг сўнгги асари бўлди.

Атоқли драматургнинг кейинги фаолияти журналистика билан чамбарчас боғлиқ.

XX аср ўзбек адабиёти, театр санъати ва журналистикаси тараққиётига катта ҳисса қўшган Ҳожи Муиннинг номи маданиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

Ustoz o'quvchilarning bilimga bo'lgan qiziqishini uyg'otish va shakllantirish yo'lida noan'anaviy ishlarni ham amalga oshira boshladi.

Endi tish pastalarini aytadigan bo'lsak, ular tish kasalligini davolovchi bo'la olmaydi. Faqatgina kasallikning oldini olish uchun profilaktika vositasi bo'lishi mumkin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ

(40-мақола)

Мамлакатимизда Конституциявий назоратнинг ҳуқуқий асосларига илк тамал тоши 1990 йилнинг 20 июнидан қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган, 31 моддадан иборат бўлган "Ўзбекистон Республикасида Конституцион назорат тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши билан қўйилганди.

Айтиш керакки, ҳокимиятнинг бу бўғини ўша кезларда моҳияти ва аҳамияти ила ўзига хос эди. Собиқ советлар мафкураси ҳукмрон бўлган мамлакатда давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари Конституцияга мос бўлишини таъминлаш ва жорий қилишнинг ўзи бўлмасди, албатта.

1993 йилнинг 6 майида — "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги мутлақо янги қонун қабул қилинди. Бу — Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқиб, қабул қилинган қонун эди. Конституцияда Ўзбекистон суд тизимида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди алоҳида бир бўғин эканлиги, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўриши белгиланди.

1995 йилнинг 30 августида мутлақо янгича шакл-шамойил ва мазмунда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бугунги кунда 33 моддадан иборат ушбу қонун амалда.

Қонунга кўра, Конституциявий суд ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти қарорлари, шунингдек, давлатлараро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси Асосий қонуни — Конституцияга мослигини аниқлайди; Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.

Конституциявий суд мазкур қонунчиликка биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра, Олий Мажлис томонидан суд Раиси, Раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суднинг ваколат муддати — беш йилдир. У Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Хўш, Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига кимлар эга? Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва Бош прокурор Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, масала Конституциявий суднинг камида уч судьяси ташаббуси билан ҳам киритилиши мумкин.

Конституциявий судда тегишли материал олинган пайтдан бошлаб кечи билан уч ой ичида кўриб чиқилаётган масала юзасидан қарор қабул қилинади. Конституциявий суд конституциявийлиги шубҳа туғдирган ва кўриб чиқилаётган аниқ масалалар юзасидангина тўхтамга келади. Давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг моҳияти бўйича Конституциявий суднинг тўхтами — қарор деб аталади. Қарорлар Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади. Бошқа ҳолларда эса, Конституциявий суднинг тўхтами хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Унинг эълон қилиниши мазкур тўхтамнинг кучга киришини билдиради. Эътиборлиси, Конституциявий суднинг тўхтами қатъий ва унинг устидан шикоятга ўрин бўлмайди.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

Qonun va fuqaro

ТИШИМ ОҒРИМАСИН, ДЕСАНГИЗ, ЎҚИНГ!

Ҳозирда стоматологиянинг ривожи учун турли илмий-тадқиқот ишлари, етук кадрлар тайёрлаш масаласи, замонавий технологияларни соҳага жалб қилиш бўйича салмоқли қадамлар қўйилаяпти. Хусусан, яқинда 1-Тошкент давлат тиббиёт институтида "Стоматологияда янги технологияларни жорий этиш" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Шу ҳақда ва умуман тишларимиз парваришига оид фикрлар юзасидан 1-Тошкент давлат тиббиёт институти терапевтик стоматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тошпўлат Сафаров билан суҳбат қилдик.

— Кўпинча боғчаларга, мактабларга бориб бириктирилган врачлар билан гаплашиб, стоматологик касалликларнинг кўринишлари ҳақида сўраганимизда, улар болаларнинг деярли ҳаммасида оғиз бўшлиғи билан боғлиқ муаммо борлигини, бу унчалик хавфли эмаслигини, чунки сут тишлар тушиб кетишини айтишади. Бундай муносабатни қандай баҳолаш мумкин?

— Бола 6 ойлик бўлгандан бошлаб тишлари чиқа бошлайди. 2 ёшдан бошлаб эса болага стоматологик ёрдам кўрсатилиши керак. Чунки, касал тиш биринчи навбатда ошқозон ва ичак касалликларининг ва бошқа ўзгаришларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Кўринадики, боғча, мактаб врачларининг фикрлашлари нотўғри ҳамда улар гуруҳ ва синф ўқитувчилари билан доимий ҳамкорликда ишлашлари зарур. Шу орқали болалардаги тиш касалликларини аниқлаб, бириктирилган стоматологик муассасага боришлари учун йўлланма беришлари керак. Врач болалардан тортиб ўсмирларгача тиш санитария қоидалари, профилактик чоралари ҳақида тушунтириш ишларини мунтазам ташкил этиши лозим. Айниқса кичик ёшли болалар катталар томонидан айтилган гапни ўзлари учун қонун деб биладилар. Уйда ота-оналар ҳам фарзандларининг тишларига бефарқ бўлмасдан, ўзлари бу борада саводли бўлганлари ҳолда уларнинг оғиз бўшлиғини тоза тутишларини назорат қилиши ҳам тарбиявий профилактик аҳамиятга эга. Энди масаланинг яна бир томони бор. Аксарият ҳолларда болаларни (катталар ҳам) тишлар фақатгина оғриқ бергандагина стоматологга олиб келишади. Агар тишлар оғримаса врачга учрамайди. Чунки уларда ҳам, тиш врачи оғритиб даволайди, деган тушунча бор. Тўғри, олдинлари бизнинг соҳа вакиллари оғриқсизлантирувчи дориларнинг камёблиги, асбоб-ускуналарнинг бугунгидек даражада бўлмаганлиги сабаб, оғриқни сездириб даволаганлар. XVIII асргача оғриган тишлар олиб ташланган, уларни сақлаб қолиш чоралари бўлмаган. Лекин, ҳозир замонавий ускуналар ва воситалар оғриқсиз даволашга имкон беради. Ва бу врач масъулиятига ҳам боғлиқ.

Сулаймон Боқирғонийнинг икки сатр ҳикматини келтирмоқчиман:

Ҳар ким кўрсанг хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг қадр бил.

Бунда жуда катта ҳикмат бор. Энди стоматолог ширин сўз психолог бўлиб, беморнинг руҳини даволаса, ундан сўнг технологияларни ишга солса, муддао ҳосил бўлади. Табиий, ускунасиз стоматологнинг қўлидан кам иш келиши мумкин. Барибир ўз ишига масъулият билан қараган врач ҳар қандай шароитда ҳам беморни даволай олади.

— Мутахассис сифатида айтингчи, стоматолог хизмати аҳолининг қайси қатлами учун энг зарур ҳисобланади?

— Стоматологик ёрдам ҳамма учун бирдек зарур. Лекин, ҳомиладор аёллар, қариялар ва болалар стоматологик кўрикдан ўз вақтида ўтишлари зарур. Ҳозир стоматология муассасалари хўжалик ҳисобига (пуллик хизмат) ўтган. Шундай бўлсада, улар врач назорати ва маслаҳатидан четда қолмаслиги керак. Ҳар олти ойда тиш врачи кўригидан ўтиш, айниқса болаларни 2,5 - 3 ёшидан бошлаб тишларини тозалашга ўргатиш — саломатлик гарови.

— Юқорида атроф-муҳит билан боғлиқ ўзгаришларни ҳам салбий омиллар сифатида санаб ўтдингиз. Экологиянинг ёмонлашуви тишларимизнинг касалланишига қанчалик даражада таъсир кўрсатади?

— Ташқи муҳитнинг стоматологияга бевосита таъсири бор. Масалан 1 литр ичимлик сувида 0,8-1,2 миллиграммгача фтор моддаси бўлиши керак. Агарда кўрсаткич бундан паст бўлса, кариес касаллиги ривожланади. Аксинча 1,2 миллиграммдан кўпайса, унда флюороз касаллиги келиб чиқади. Бу касалликнинг асосий белгилари тишнинг эмаль қатламидаги ўзгаришлар, ранг ўзгариши, ҳар хил кемтиклар пайдо бўлиши ва ҳоказо. Молдавияда худди шундай ҳолатлар кўпайиб кетганлиги учун ҳозирда у ерда сувларни фтордан тозалаш ишлари олиб борилаяпти. Қорақалпоғистонда ўтказган кузатишларим ҳам тасдиқлайдики, у ердаги аҳолининг аксарият қисмида экологик муаммолар билан боғлиқ ҳолда касаллик турлари ривожланган.

— Кўпчилигимиз тиш тозалаш воситалари, сақичлар тўғрисидаги рекламаларни кузатамиз ва уларга таянамиз ҳам. Ҳақиқатан ҳам стоматологияга боғлиқ рекламаларда айтиладиган маълумотларга ишонса бўладими?

— Рекламани ёмон деб бўлмайди. Чунки, ҳар куни уни кўрганимизда тишларимизни парвариш қилишимизни, унда касалликлар бўлиши мумкинлигини бизга эслатиб қўяди. Лекин баъзида нотўғри маълумотлар ҳам берилади. Биргина мисол, тишларни кўндаланг ҳолатда тозаланаётганини кўрсатади. Аслида эса тиш вертикал йўналишда ювилиши керак.

Энди тиш пасталарини айтадиган бўлсак, улар тиш касаллигини даволовчи бўла олмайди. Фақатгина касалликнинг олдини олиш учун профилактика воситаси бўлиши мумкин. Бироқ тиш тозалаш пасталаридан ташқари тиш тозалаш кукунлари ҳам бўлади. Кейин оғиздаги турли қўланса ҳидларни йўқотадиган элексирлар бор. Улар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Сақичларга келадиган бўлсак, улар овқатдан сўнг тозаловчи ва ҳазм қилувчи восита бўла олади. Лекин 2 соатдан кўп чайналган сақич салбий оқибатларга хизмат қилади.

— Энди бевосита мутахассис сифатида Ўзбекистонда стоматология муаммолари ва янги технологияларни жорий этиш бўйича ўтказилган анжуманнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Юртимизда шу йўналишда ишлайдиган олимлар ва улар қўлга киритаётган ютуқлар анчагина. Лекин шу билан биргаликда муаммолар ҳам етарли. Булардан бири етук кадрлар масаласи, уларнинг сони камлиги "оила стоматологи" йўналишининг ривожланмаётганлиги замон талабларига кўра ҳал қилиниши лозим бўлган масала. Ундан сўнг стоматологик муассасалар хўжалик ҳисобида иш олиб борсалар-да, қонунга мувофиқ ҳолда болалар, уруш қатнашчилари, ҳомиладор аёлларга бепул хизмат кўрсатишни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Булар бўлиб ўтган конференцияда ҳам кўриб чиқилди.

Албатта хақаро миқёсда илмий-амалий анжуман ўтказиш учун асос бўлиши керак. Бизнинг стоматолог олимларимиз қилаётган илмий ишлар ҳам салмоқлигина. Анжуманда бу нарса таъкидланди. 30 дан зиёд давлатлардан келган мутахассислар бизнинг, биз уларнинг тажрибаларини ўрганиш жараёнида кўриндики, стоматологияда амалиётга катта эътибор бериш лозим. Технологик тараққиётсиз стоматологик хизмат кўрсатиш самарали бўлмайди. Бундан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бўлажак стоматологларга пухта билим бериш орқали соҳадаги камчиликларни камайтириш мумкин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Насиба ЭРХОНОВА
суҳбатлашди

ШОГИРДИ КЎП УСТОЗ — БАХТЛИ

1970 йил. Сентябрь ойи. Ўқитиш жараёни бошланиб, ўз маромига кириб улгурган бир пайтда биз юқори синф ўқувчилари янги келган математика ўқитувчиси Яқубжон Аюпов ҳақида гаплашардик. Ўзлари ҳали ёш, политехника олий ўқув даргоҳининг умумий техника факультетида математикадан дарс бераркан. Бир ҳафта бўлдики, учта 10-синф ва иккита 9-синфда математика дарсини олиб бораяпти. Ёш бўлса-да, ҳаракатчан, аммо қаттиқ қўллиги ҳам билиниб турарди. Шу фазилатларнинг таъсири биланми, дарслар ҳам тушунарли бўларди. Ҳатто математика дарсига қизиқмайдиган ўқувчилар ҳам ҳаракатга тушиб қолишди. Чунки у дарсни қўлда ясалган кўргазмали фигуралар билан қизиқарли тарзда ўтарди. Ўқувчилар дарс вақтида ўзларини эркин ҳис қилишса-да, муаллим тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилишни талаб қиларди. Алгебра ёки геометрия дарси бўлсин, масала-мисолларни ечишда ўқувчиларда эркин фикрлаш бўларди. Ёнма-ён ўтирган ўқувчилар масалаларни ечишда ўзаро мунозара қилишарди.

Я.Аюпов уй вазифаларининг бажарилишини ҳам жиддий текширар эди. Уй топшириқлари ва уларнинг ечимларини ўқувчининг ўзи яхши тушунтириб бера олиши керак эди. Мабодо ўқувчи уй топшириқларини тушунмай ишлаб келган бўлса, у дарсдан сўнг уйига қайтмай, қайтадан топширарди.

... Хуллас, Яқубжон Аюпов мактабга келганидан сўнг йигирма кун ўтгач, мактаб маъмурияти томонидан 10-"А"синфга мураббий ўқитувчи этиб тайинланди. У ўқувчилар билан тезда тил топишиб кетди. Ташкил этилган математика хонаси бу фан соҳасида машҳур бўлган олимлар портретлари, уларнинг ўқиш жараёни учун зарур бўлган китоблари, геометрик фигуралар, тўрт хонали математика жадвалининг йигирмата китобчаси билан бойитилди.

Математика қизиқарли дарсга айланиб бормоқда эди.

Айни шу маҳалларда пойтахтдаги Ойбек номидаги 115-умумий ўрта таълим мактаби математика ва физикага ихтисослаштирилган, бу фанлар бўйича чуқурлаштирилган билим берувчи мактаб этиб белгиланган эди. Бу орада мактабга политехника олийгоҳидан бир неча математика ва физика мутахассислари дарс ўтишга таклиф қилинганди. Бу ҳаракатлар бежиз кетмади. Математикага қизиқадиган ўқувчилар учун кенг имкониятлар яратилганлиги туфайли улар сони кўпая бошлади.

Устоз ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишини уйғотиш ва шакллантириш йўлида ноанъанавий ишларни ҳам амалга оширa бошлади. Хусусан, "Квант ва математика" журналидан 9- ва 10-синф ўқувчилари яхши тушуна оладиган мавзуларни танлаб, ёш математиклар семинарларини ташкил қилди. Бу семинар дарсдан ташқари қўшимча равишда олиб борилгани боис семинарда қатнашадиганлар сони кундан-кунга ортиб борди. Яқубжон аканинг бу ташаббуси ҳам мактаб маъмурияти томонидан юқори баҳоланди.

Я.Аюпов ҳар йили сентябрь ойида дарсга кирганларида математика синфларини битирганлардан неча фоизи олий ўқув юртларига кирганини суриштирарди. Бу кўрсаткич кам деганда эллик беш фоиздан юқори бўларди. Ҳатто 1973 йилда битирувчиларнинг барчасига ўз билими билан турли олий ўқув юртларининг талабаси бўлиш насиб этган эди. Бугун уларнинг кўпчилиги фан номзоди сифатида ёки ёндош фанлар соҳасида Ватан равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда. Шу боис, Яқубжон акани ўрта мактаб тизимидаги энг илғор ўқитувчилар қаторига қўйса, арзийди десак, асло муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда ўзининг олтмиш беш йиллик таваллудини нишонлаётган Я.Аюповга барча собиқ ўқувчилари ва шогирдлари турмуш ўртоғи билан бирга узоқ йиллар қарилик гаштини суриши ҳамда фарзандлари камолини кўришини тилашади.

Абдуборийхон АБДУЛАҲАДОВ,
"Ўзгеодезкадастр" бош бошқармаси бошлиғи

Ehtirom

Tadbir

ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Андижон вилоятидаги олий ўқув юртлари ўртасида Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракати куни ҳамда ҳаракат асосчиси Анри Дюнан туғилган кунига бағишланиб брейн-ринг ўтказилди.

Андижон иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтган брейн-рингда олийгоҳлар ёшлари саломлашув, тест саволлари, тез фикрлаш, турли кутилмаган ҳолатларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Брейн-ринг шартларини аъло даражада бажарган Андижон давлат тиббиёт институти талабалари биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Ғолиблар ва барча қатнашчилар Қизил Ярим Ой жамияти вилоят бўлими томонидан ажратилган қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

О.СИДДИҚОВ

УЛАР ЎЗ БИЛИМЛАРИГА ИШОНИШАДИ

Умр — оқар дарё, дейдилар. Кечагина мактабни тугатиб, академик лицей остонасига қадам қўйган ўқувчи бугун билимлар чўққисини забт этиш йўлида яна бир қадамни босиб ўтиб, тағин юқорига интилмоқда.

Яқинда Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицейда ўқув йилининг якунига бағишланган сўнгги қўнғироқ байрами нишонланди. Юракларида шижоат ва интилиш, орзу ва ҳаяжон барқ уриб турган 25 нафар битирувчига лицей маъмурияти томонидан дипломлар, аълочи ўқувчиларга мақтов ва фахрий ёрлиқлари топширилди. Тантана сўнгида битирувчилар ўз устозларига улар билдирган ишончларни албатта оқлашга ваъда бердилар. Чунки устозлари уларга, асосийси эса, улар ўз билимларига ишонишади. Шуниси муҳим.

Элмурод НИШОНОВ

ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тошкент юридик коллежида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқич вазифалари: инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси ўқув-услубиёт бўлими ҳамда Тошкент юридик коллежи маъмурияти томонидан ташкил этилган тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ЎМКҲТ муассасалари раҳбарлари ва услубчилари иштирок этдилар.

Мамлакатимизда янги қарор топган ўрта махсус таълим тизимида қўшимча касбий таълим — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига бирламчи эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан, 2001 йилдан бошлаб республикамиздаги ўрта махсус ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил қилинган эди. Ўтган қисқа давр ичида ушбу ташаббус нечоғли долзарблиги ўз исботини топди ва курсларда таҳсил олган минглаб мураббийлар ўз фаолиятини янада жонлантиришга ҳисса қўшди. Семинар қатнашчилари айни пайтда ушбу малака ошириш курсларининг бугунги фаолияти ва келгусида амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдилар.

Seminar

Иштирокчилар Тошкент юридик коллежи ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан қай тарзда фойдаланилаётганлигини баҳолаш мақсадида турли фанлар бўйича бир қатор мавзуларда очиқ дарсларни кузатдилар. Шунингдек, ЎМКҲТ муассасаларининг раҳбарлари учун Тошкент давлат техника университети Инновацион технология маркази етакчи мутахассиси Р. Ишмуҳаммедов томонидан «Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш» мавзусидаги маърузаси тақдим қилинди.

Илмий амалий семинарнинг иккинчи қисми ҳам анча қизиқарли мунозараларга бой бўлди. Унда «Инновацион технологиялар асосида ДҲМО курсларида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари», «Ижтимоий-гуманитар фанларда инновацион технологиялар», шунингдек, касбий, аниқ ва табиий ҳамда махсус фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинар якунида барча маърузалар юзасидан баҳс-мунозаралар юритилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

М.ИСРОИЛОВ

КИТОБНИ СЕВГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Шу ҳафтада Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежида «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди. Танлов уч босқичда ўтказилиб, унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қарийб 760 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган минглаб ўқувчилар иштирок этиб, якуний босқичда фақат 14 нафар зукко, билимдон ўқувчи қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бироқ, таъкидлаш керакки, танловнинг якуний босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 14 ўқувчидан 5 нафари (Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Хоразм) вилоят ЎМКҲТ бошқармаларининг шу ишга масъул ходимларининг совуққонлиги ва масъулиятсизлик билан ёндашуви туфайли сўнгги умид ва вилоят ўқувчиларининг билдирган ишончини оқлаш имконидан мосуво бўлдилар.

Китоб — билим манбаи. Ўқувчиларда китобни севиш, уни кўз қорачиғидек сақлай билиш, ўқиш маданиятини шакллантириш ҳамда ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг китобдан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширишга ва улар орасидан энг яхши китобхонларни аниқлаб, моддий-маънавий рағбатлантириш сингари улуғвор мақсадларни кўзлаган танлов жорий йилда учинчи бор ўтказилиб, бугунги кунда ўзининг ижобий самараларини бераётгани шубҳасиз. Зеро, таълим муассасаларидаги кутубхоналарга китобхонларни кенг жалб этиш орқали ўқувчилар онгига миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизни сингдириш, маънавий ва мафкуравий тушунчаларни бойитиб бориш, миллий, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясини оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Танловнинг якунловчи босқичида қатнашган иштирокчилар бешта шарт — саломлашиш ва ўзини таништириш; шеърхонлик баҳси; қизиқарли саволлар, давом эттириш ўйини орқали билимларни синаш; мустақиллик шарофати билан нишонланадиган байрамларга атаб ёзилган шеър билағонликлари; ўқувчилар эркин мавзу юзасидан саноат соҳасидаги қизиқишларини синовдан ўтказиш билан биргаликда турли мавзудаги рефератлари, ўқиган асарлари, ёд олган шеърларининг рўйхати ҳам танлов ташкилий қўмитасига тақдим қилинди.

Tanlov

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, танлов шартларини бажараётган ҳар бир иштирокчи нафақат ўзларининг шеъриятга, мумтоз адабиётимизга муҳаббати, умуман китобсеварлиги билан, балки серқирра ижодкорлиги, моҳир қаламкаш, шеърият бўстонига илк қадамларни қўяётган шоиралар сифатида намоён қилдилар ва кўпчиликнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Шу боисдан бўлса керак, республикамизнинг кўзга кўринган шоиру ёзувчилари, етакчи профессор ўқитувчилар, маънавият ва маърифат ишларига масъул ходимлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъатига уларнинг истеъдоди ва иқтидорини баҳолашда анча мушкуллик туғилди.

Шундай бўлса-да, кўрик-танловда саралар-нинг сараси, зукколарнинг зуккоси, билимдонларнинг билимдони танланди. Унда учинчи ўринни Навоий тиббиёт билим юрти ўқувчиси София Йўлдошева ҳамда Термиз иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Умида Чориевалар қўлга киритдилар. Иккинчи ўринга эса Самарқанд молия иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Наргиза Мавдирова, шунингдек Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Юлдуз Муродовалар мушарраф бўлдилар. 2003 йилнинг «Энг яхши китобхон»и номига эса Тошкент юридик коллежида таҳсил олувчи Феруза Умурзоқова сазовор бўлди. Танловда қатнашган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро ҳамда Жиззах вилояти вакилларига рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

«Энг яхши китобхон» танловида мағлублар бўлмади. Зеро, оқиллик, донолик, зукколикни мутолаа орқали ўз онгу шуурига сингдирган ҳар бир танлов иштирокчиси «энг яхши китобхон» номига муносибдир.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma`rifat» мухбири

ОБОД МАҲАЛЛАМ МЕҲНИНГ

Бухоро вилояти Олот туманининг «Пахтакор» қишлоғи маданият уйида "Маҳалла — фахримиз" шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Бу кўрик-танловда «Баёт» ва «Пахтакор» маҳалла ёшлари ўзаро беллашишди.

Беллашув натижасида зукко, билимдон ёшларимиз орасида «Пахтакор» маҳалла ёшлари ғолиб деб топилди ва улар маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тақдирландилар.

Дилрабо УМАРОВА

Mahalla tadbirlari

* * *

«Олчинобод» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳовлисида катта тантана бўлиб ўтди. Маҳаллалараро ўтказилган ушбу мусобақада 11-ўрта мактабнинг "Овсинлар" ва 54-мактаб ўқувчиларидан иборат "Шўх қизлар" гуруҳлари ўзаро куч синашдилар. Гуруҳлар бешта шарт бўйича фаоллик билан иштирок этди. Айниқса, 11-ўрта мактаб ўқувчилари ўзларининг чаққонликлари, қизиқарли чиқишлари ва билимдонликлари билан томошабинларда катта таассурот қолдирдилар.

Тадбирда туман халқ таълими бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фаоллари ва туман кутубхона бўлими вакиллари қатнашиб, ўқувчилар чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар ва тантана сўнгида кутубхоначилар томонидан гуруҳ аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Шоира ТУРДИЕВА,
Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси

Sammit kun tartibidan o'rin olgan xavfsizlik masalasida «Katta sakkizlik» terrorizmga qarshi kurashda birgalikda harakat qilish bo'yicha deklaratsiya qabul qildi.

Ammo ana shu davr oralig'ida uyushma tizimdagi jismoniy tarbiya — sog'lomlashtirish harakatini jonlantirishga, so'z va ish birligini amalda ko'rsatishga ulgurdi.

АКАБА: «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Кеча Мисрнинг Қизил денгиз соҳилидаги сайёҳликка мўлжалланган Шарм аш-Шайх шаҳрида АҚШ президенти Жорж Буш ва Араб давлатлари раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда Миср президенти Ҳусни Муборак, Саудия Арабистони шаҳзодаси Абдулло бин Абдулазиз, Иордания қироли Абдулло II, Баҳрайн раҳбари Шайх Хамад бин Исо ал-Халиф, Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббослар иштирок этдилар. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида асосий эътибор Исроил — Фаластин можаросини тинч йўл билан ҳал этиш, «Йўл харитаси» дея номланган режани амалга ошириш, терроризм масаласи ҳамда Ироқдаги тикланиш жараёнларига қаратилди.

Бугун эса Иорданиянинг Акаба шаҳрида Жорж Буш, Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббослар ўртасида уч томонлама мулоқот бўлиб ўтади.

РУС ДИПЛОМАТЛАРИ БАҒДОДГА ҚАЙТИШМОҚДА

«Новости» ахборот маҳкамасининг хабар беришича, яқин кунларда Россия дипломатлари Бағдодга қайтадилар. Бу ҳақда Россия Федерациясининг ташқи ишлар вазирлиги вакили Александр Яковенко маълум қилган бўлиб, унинг айтишича, элчихона вакилларининг Бағдодга қайтишлари нафақат Россия ҳукуматининг бу мамлакатдаги иштироки учун, балки рус фирма ва компанияларининг Ироқ бозоридаги фаолиятларини тиклаш учун ҳам хизмат қилади.

Россия дипломатлари Ироқда уруш бошланганидан сўнг, бир неча муддат ўтиб Бағдодни тарк этгандилар.

Ушбу ҳафта аввалида эса Ливия ҳукумати Ироқ билан дипломатик алоқаларини вақтинчалик тўхтатиб, элчихонасини ёпиб қўйди.

САДДАМ ҚИЗЛАРИ БРИТАНИЯДАН КЎМАК СЎРАШМОҚЧИ

«Аш-Шарқ ал-Аусат» газетасининг ёзишича, собиқ президент Саддам Ҳусайннинг икки қизи Буюк Британиядан бошпана сўрашни режалаштирганлар. Бу ҳақда газетага Ҳусайннинг Лондонда яшовчи амакиваччаси Иззи-Дин Муҳаммад Ҳасан ал-Мажид ҳабар қилган бўлиб, унинг айтишича 35 ёшли Рагад ва 33 ёшли Раъно лар Бағдодни тарк этмоқчилар. Агарда Буюк Британия уларнинг илтимосини қондирмаса, у ҳолда улар Миср, Қатар ва Бирлашган Араб Амирликларига мурожаат қилишмоқчи. Отасининг тузуми ағдарилгач, президент саройларидан чиқариб юборилган Саддамнинг бу қизлари ҳозирда Бағдоддаги оддий уйлардан бирида фарзандлари билан яшаётган бўлишиб, болага қараш, овқат қилиш, кир ювиш, уй тозалаш ишлари ҳам уларнинг зиммаларига қолган.

Икки аёлнинг ҳам эрлари Иорданияга қочиб кетишганидан сўнг, алдов йўли билан қайтариб келинганлар ва 1996 йил ўз қайноталарининг тузуми томонидан ўлдириб юборилганлар. Ҳарбий операциялардан сўнг Саддам Ҳусайннинг учинчи қизи Хала ҳам аввалига опалари билан бирга яшаган, бироқ бироз вақт ўтгач болаларини олиб уйни тарк этган. На Ҳасан ал-Мажид, на Саддамнинг бу икки қизлари ўз оталари ва Кусай ҳамда Удей исмли акалари ёки Хала исмли сингиллари тақдири ҳақида бирор хабарга эгалар.

ТИЗГИНСИЗ ХУРУЖ

«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, Хитойда пайдо бўлиб, дунёга тарқала бошлаган номаълум зотилжам (SARS) касали боис, бугунга қадар 770 киши ҳаётдан кўз юмди. Шунингдек, SARSни ўзига юқтириб олганлар сони 8384 нафарга етди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, касаллик маркази дея айтилаётган Хитойда 7759, Сингапурда — 206, Канадада — 198, АҚШда —66, Вьетнамда — 63, Филиппинда — 12, Германияда — 10, Италия ва Мўғулистонда тўққизтадан, Таиландда — 8, Францияда — 7, Австралия ва Малайзияда бештадан, Буюк Британияда — 4, Жанубий Корея, Швеция, Ҳиндистонда учтадан, Бразилия ва Индонезияда иккитадан, Россия, Руминия, Қувайт, Ирландия, ЖАР, Испания, Швейцария, Болгария, Янги Зеландия ҳамда Финландияда биттадан SARSга дахлдор ҳолат кузатилган.

Ҳалок бўлганларнинг сони эса Хитойга — 697, Сингапурга — 31, Канадага — 30, Вьетнамга — 5, Таиланд, Филиппин, Малайзия давлатларига —2, ЖАРга —1 кишидан тўғри келади.

ҲИНДИСТОН: ИССИҚ ҲАВО ҚУРБОНЛАРИ

«Рейтер» агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистоннинг Андхра Прадеш штатида ҳавонинг ўта исиб кетиши боис, ҳалок бўлаётганлар сони 1020 нафарга етган. Маҳаллий ҳокимиятнинг билдиришича, сўнгги бир сутканинг ўзида 136 киши ҳаётдан кўз юмган. Вафот этаётганларнинг аксариятини қашшоқ, бошпанасиз ва кўчада очиқ ҳавода савдо қилувчи кишилар ташкил этмоқда. Хайдарободдаги метеорология маркази директори Ц.Бхардамнинг айтишича, бугун кузатилаётган 46-47 даражали иссиқ яна икки кун сақланиб туради. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг май ойидаги иссиқ ҳаво босими Андхра Прадеш штатида мингдан ошиқ кишининг ўлимига сабаб бўлган эди.



ХОРИЖДАГИ ҚЎШИНЛАР СОНИ ОШИРИЛАДИ

Қўшма Штатлар II жаҳон урушидан буён биринчи бор ўз аскарларини хорижий давлатларга кенг миқёсда жойлаштиришни режалаштирмоқда, дея хабар беради NBC телекомпанияси. Пентагон ташкилоти режасига мувофиқ, Германиядаги 70 минг, Жанубий Кореядаги 38 минг, Японияннинг Окинава оролида турган 30 минг Америка аскарлари сони қисқартирилади. Бироқ Шарқий Европадаги, хусусан Польша, Руминия ва Болгариядаги АҚШ ҳарбийлари сони оширилади. Бугунга қадар Вашингтон Болгария ва Руминия аэропортларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланган бўлса, Польша аскарларига Ироқнинг учдан бир қисмини назорат этиш ваколатини берган. Шунингдек, Қўшма Штатлар Узоқ Шарқда, яъни Австралия, Филиппин ҳамда Вьетнамда ўзининг ҳарбий базаларини ташкил этмоқчи.

«Интернет» тармоғидан олинди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

МУСОБАҚАЛАР УЧУН ҲАММА НАРСА ТАХТ

АНДИЖОНЛИК МЕЗБОНЛАР ҒУРУР-ЛА ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келадиган 336 нафар воллейболчилар Марҳамат туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида беллашадилар. Барча волейболчилар қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида истиқомат қиладилар.

Хонобод вилоятнинг полвонлар ва курашчилар шаҳри ҳисобланади. Спортнинг кураш тури билан шуғулланадиган 126 нафар, белбоғли кураш тури билан шуғулланувчи 126 нафар ҳамда оғир атлетика билан шуғулланувчи 140 нафар спортчилар мазкур шаҳардаги кураш манежи ва санъат саройида мусобақалар ўтказадилар. Курашчилар ва оғир атлетикачилар учун мўлжалланган ётоқхоналар — шаҳардаги компьютер технологияси касб-ҳунар коллежи ва саноат касб-ҳунар коллежи бугун меҳмонларни кутиб олишга шай ҳолатда.

— Мусобақалар ўтказиладиган барча иншоотлар, спортчи-талабалар истиқомат қиладиган ётоқхоналар замонавий талаблар асосида тайёрлаб қўйилди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдумалик Ҳошимов, — тайёргарлигимизнинг асосий мезони мусобақаларни ўз вақтида, тартибли ўтишини таъминлаш ҳамда ётоқхоналар озодалиги, осойишталигидир. Ҳар бир ётоқхона, ҳар бир хона эътиборимизда. Шу билан бирга ёш спортчиларнинг мусобақалардан бўш пайтларини мазмунли ўтишини таъминлаш борасида ҳам ишлар олиб бориляпти. Кўнлилочар дастурлар, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

Эртага "Баркамол авлод — 2003" ўйинлари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича мусобақаларга старт берилади. Ёш спортчиларга беллашувларда омад тилаймиз.

О.СИДДИҚОВ

СПОРТЧИЛАРГА КЎМАК

Sahovatpeshalar

Термиз шаҳридаги «Динамо» хусусий дўкони раҳбари Комил Равшанов шахсий жамғармаси ҳисобидан Музработ, Бандихон, Бойсун, Термиз туманлари ва вилоят марказидаги мактабларга спорт анжомлари совға қилди.

—Хайр-саҳоват қилиш халқимизнинг энг яхши удумларидан бири. Шу анъанага амал қилиб воҳамиз ёшларининг жисмонан соғлом бўлишига ҳисса қўшиш мақсадида бир миллион сўмликдан ортиқ спорт жиҳозларини олис қишлоқларда жойлашган мактабларга хайрия сифатида тарқатдим. Энг улуғ, энг азиз — Мустақиллик байрами арафасида яна бошқа мактабларга ҳам шундай совға улашмоқчиман, — дейди тадбиркор.

Н.ТЎРАЕВ
Сурхондарё вилояти

ХОТИРА ТУРНИРИ

Жиззах шаҳридаги Тошлоқ маҳалласида шу маҳаллада яшаб ўтган фидойи инсон Анвар Каримов хотирасига бағишланган 9-14 ёшли ўсмирлар ўртасида футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақага маҳалла қўмитаси, А.Каримов синфдошлари оила аъзолари ҳомийлик қилдилар. Уч босқичда ўтказилган беллашувда маҳалланинг 300 нафардан зиёд болалари иштирок этди.

Исҳоқ ИСМОИЛОВ

МАРС САЙЁРАСИГА ЭКСПЕДИЦИЯ БОШЛАНДИ

Душанба куни кечқурун Қозоғистоннинг Бой-қўнғир космодромидан учирилган Буюк Британиянинг «Бигл-2» фазо кемаси олти ойдан сўнг «қизил сайёра» номини олган Марсга етиб боради. Ўзининг биринчи кемасини фазога учиришга 300 млн. евро сарфлаган Европанинг «Бигл-2» кемаси Марсда илмий-тадқиқотлар олиб боради ва у олимларнинг «қизил сайёра»да ҳаёт борми ёки йўқ деган саволларига 180 кун мобайнида жавоб қайтариши кутилмоқда.



NASA ташкилоти бир ҳафтадан сўнг яна битта «Mars Exploration Rover» кемасини, келгуси йилнинг аввалида эса Японияннинг «Nozomi» кемасини Марс томон учиришни режалаштирган.

РАККА ҚАРШИ ЯНГИ ВОСИТА

Америка олимлари рак касалига қарши янги тиббий препарат ишлаб чиқдилар. Клиник тажрибадан яхши ўтган «Omnitarg» дея номланган бу тиббий дори бугунги кунда раккa қарши курашувчи энг самарали восита, дея айтилмоқда. Таркибида протеин моддаси бўлган «Omnitarg» беморнинг иммун системаси фаолиятини фаоллаштиради ва унинг ўзини яхши ҳис этишини таъминлайди. Уч ҳафталик синовда 20 нафар беморнинг вена қон томирлари орқали организм-ларига юборилган янги препарат кутилган натижани берган. Бироқ, бу воситани рак хасталигига барҳам берувчи якуний омил, дея айтишга ҳали эрта.

МАЙРАМ АКАЕВАНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик тантаналари нишонланган кунларда Қирғизистон президенти Асқар Акаевнинг рафиқаси Майрам Акаева Давлат Эрмитаж илмий кенгаши залида ўзининг «Умидларнинг туни бўлмайди» дея номланган янги китобининг тақдимот маросимини ўтказди. «Тўлиқ шу шаҳарга бағишланган бу китобни ёзишимга отаонам, халқим, Ленинград олдидаги қарзларим туртки бўлди. Айнан шу шаҳарда мен умр йўлдошим билан биргаликда таҳсил олдим, шу шаҳарда бизнинг ўсмирлик даврларимиз ўтди, шу шаҳарда биз оила қурдик», дея айтган Майрам Акаева.

Петербург институтларидан бирида таҳсил олган Асқар Акаев ва Майрам Акаевалар шаҳарнинг 300 йиллик тантаналари чоғида ўзларининг талабалик йиллари ўтган жойларда сайр қилишди ва уларнинг оилаларини рўйхатдан ўтказган Бахт уйига қадар бўлган масофани пиёда босиб ўтдилар.

МАДОННА БОЛАЛАР ЁЗУВЧИСИ

Машҳур қўшиқчи Мадонна хоним ўзининг болажонларга мўлжалланган «Инглиз атиргули» дея номланувчи суратли-безакли китобини 15 сентябр куни сотувга чиқаришини маълум қилди. 42 тилда чоп этилиб, 100 дан ортиқ давлатларда сотилиши режалаштирилаётган бу китобда қизил тулки ва кичик шаҳзоданинг саргузаштлари ҳақида, дўстлик ва ҳасад мавзуида ҳикоя қилинади. Бўлғуси китоб Британиянинг етакчи нашриётларидан саналган «Callaway Editions»да чоп этилади ва унинг Қўшма Штатларга «Penguin Group» компанияси, инглиз тилида китоблар савдоси билан шуғулланувчи бошқа давлатлар бозорларига эса «Puffin» компанияси етказиб беради. Бешталик туркум китобларнинг биринчиси саналаётган «Инглиз атиргули»нинг дизайнерининг исм-шарифи китоб чоп этилгунга қадар сир тутилади. Бўлғуси бешта китобнинг барчасининг безатиш ишлари ушбу дизайнер зиммасида бўлиб, у дунёга машҳур рассомлардан бири саналади. 1992 йил балоғат ёшидагиларга мўлжалланган китобини чоп этган Мадонна 1996 йил октябрда Лурдес исмли қизи ва 2000 йил август ойида Рокко исмли ўғли туғилганидан сўнг, болалар адабиётига қизиқиб қолган эди.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — «ТАЛАБА»

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари ҳамда ўқувчиларининг республика «Талаба» спорт уюшмаси тузилганига ҳал ҳунчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ана шу давр оралиғида уюшма тизимдаги жисмоний тарбия — соғломлаштириш ҳаракатини жонлантиришга, сўз ва иш бирлигини амалда кўрсатишга улгурди.

Қисқа вақт мобайнида «Талаба»да асосий йўналишлар бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, тақвимга киритилган спорт турлари бўйича мусобақалар ўз вақтида ўтказилаяпти. Ташкилотчилар баҳсларга ҳақиқий байрам тусини беришга ҳаракат қилишаяпти ва бу ишни тўлиқ уддалашмоқда.

Спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган биринчи очиқ чемпионатда бу жўшқинлик яққол намоён бўлди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган якунловчи, учинчи турдан сўнг Ўзбекистон очиқ чемпионатида ғолиб бўлган Тошкент давлат педагогика университети жамоаси йигитларига «Ўзбекистон Республикаси спорт устаси» унвони, махсус зарб этилган медаллар топширилди. Аёллар ўртасида бу эъзозга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси лойиқ кўрилди.

Волейбол мусобақалари янги номларни, янги жамоаларни ҳам кашф этганини таъкидлаш жоиздир. Масалан, Навоий кончилик институтининг ўйинчилари Сухроб Ёдгоров ва Рустам Ҳожиевнинг маҳоратлари, Бухоро технология институтида истиқболи порлоқ жамоа шаклланаётгани, Андижон ва Жиззах шаҳарларида ҳакамлар кўпайгани кўпчиликка манзур бўлди.

Мини-футбол ихлосмандлари ҳам бир неча кун илгари баҳсларга якун ясашди. Қарши, Фарғона, Тошкент ва Бухоро шаҳарларида сараланган жамоалар финал босқичининг мусобақаларини Жиззах шаҳрида ўтказишди.

Учрашувларнинг ҳаммасида ғалаба қозонган Жиззах политехника институтининг «Политехник» жамоаси олий ўқув юртлари ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистон чемпиони унвони билан тақдирланди.

— «Биз эришилган ғалаба билан кифояланиб қолмаймиз, — дейди жамоа бош мураббийи, "Талаба" спорт клубининг раиси Рафиқ Содиқов ишонч билан. — Июнь ойи охирларида Ўзбекистон кубогининг ярим финали баҳсларида қатнашамиз. Насиб этса, йигитларимиз финалда тўп суришмоқчи. Келгусида талабалар жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида иштирок этмоқчимиз. Ҳозир жамоамиз вилоят чемпионатида ҳам қатнашмоқда.

Холисона айтиладиган бўлса, Жиззахдаги ғамхўрлик ҳамма жойда ҳам кўзга ташланаётгани йўқ. "Талаба" уюшмаси ижроия қўмитасининг раиси, педагогика фанлари номзоди, доцент Турғунбой Холдоров ўз сўзида кўпроқ шу жиҳатлар ҳақида тўхталди:

Хабарингиз бор, пойтахтимиздаги Давлат жисмоний тарбия институтидан ташқари яна 16 та олий ўқув юртида жисмоний маданият ва спорт факультетлари бор. Аммо, номи тилга олинган Давлат жисмоний тарбия институти, Қўқон, ва Ангрен давлат педагогика институтлари, Гулистон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Андижон, Урганч давлат университетлари ўзларининг волейбол жамоаларига эга эмаслар. Холбуки, ушбу олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрланаяпти, кўплаб спорт секциялари мавжуд.

Бухоро технология институти ҳамда Нукус давлат университети мини-футбол жамоалари асоссиз равишда финал ўйинларига келмай қолишди. Шундай экан, мана шу ҳудудлардан вакил йўқлигини оқлаб бўлмайдиган ҳол сифатида баҳолаш керак.

Фурсати келганда айтиб ўтмоқчимиз. "Талаба" яқинда Ўзбекистон Футбол Федерацияси тимсолида ишончли ҳамкор топди. Бу ҳамжиҳатлик уюшма ҳузурида футбол федерацияси ташкил этилишига олиб келди. Фарғона политехника институтининг проректори, техника фанлари доктори, профессор Рустам Тешабоев мазкур федерациянинг раиси этиб сайланди. Бундай федерацияларни спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам тузиб, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш режалаштирилаяпти.

Шу кеча-кундузда "Талаба" спорт уюшмасининг аъзоси ҳисобланадиган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида баскетбол ҳамда қўл тўпи турлари бўйича ички мусобақалар ўтказилмоқда. Сўнгра навбат минтақаларо беллашувларга берилади. Қизиқарли беллашувларнинг финал босқичи Тошкент шаҳрида ва вилоятлар марказларида бўлиб ўтади.

— Бундан ташқари, биз иш режасидан келиб чиқиб, айни пайтда "Универсиада-2004" спорт мусобақаларининг дастурига киритилган турлар бўйича ҳам баҳслар йўлга қўйилиши учун масъулмиз, — дейди Турғунбой Холдоров. — Жойлардан олинаётган маълумотларни ўрганиб, таҳлил қилаяпмиз. Шуни таъкидлашим керакки, тизимда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлашда ҳамжиҳатлик бор. Бизни ана шу жиҳат кўпроқ хурсанд қилаяпти.

Раҳматулла ЮНУСОВ

ЭВИАН: «КАТТА САККИЗЛИК» АНЖУМАНИ

1-3 июнь кунлари Франциянинг Швейцария билан чегарадош курорт шаҳри Эвианда «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Асосан сайёҳликка мўлжалланган бу шаҳарни бир томондан баланд тоғлар ўраб турса, иккинчи томондан эса мовий Женева кўли қуршаб олган. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари АҚШ (президент Жорж Буш), Буюк Британия (бош вазир Тони Блэр), Франция (президент Жак Ширак), Германия (канцлер Герхард Шрёдер), Италия (бош вазир Сильвио Берлускони), Россия (президент Владимир Путин), Япония (бош вазир Дзюнитиро Коидзуми) ҳамда Канада (бош вазир Жан Кретьен) раҳбарларининг бу галги учрашувида иқтисодий глобаллашув, оммавий қирғин қуролларига барҳам бериш, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Ироқда тикланиш жараёнларини жадаллаштириш, Шимолий Корея ҳамда Эрон мавзуси ва Учинчи дунё давлатларига иқтисодий ёрдам бериш масалалари муҳокама этилди. Эвиан саммитининг аввалги анжуманлардан фарқли жиҳати унда айни пайтда ривожланиш босқичида бўлган Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Малайзия, Мексика, Саудия Арабистони, Миср, Жазоир, Марокаш, Нигерия, Сенегал ва Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) раҳбарлари ҳамда БМТ Бош котиби, Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Европа Иттифоқи раислари ҳам иштирок этдилар.

Саммит кун тартибидан ўрин олган хавфсизлик масаласида «Катта саккизлик» терроризмга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш ва террорчилар қўлига замонавий қуроллар тушиб қолмаслиги бўйича баёнотнома қабул қилди. Чунки сўнгги пайтларда Саудия Арабистони, Индонезия, Кения, Марокаш, Покистон, Филиппин, Россия, Тунис, Яман давлатларида юз берган қатор террор актлари бугун ушбу хавфга биргаликда курашишни талаб этмоқда. Эндиликда «Катта саккизлик» таркибида терроризмга қарши турадиган махсус гуруҳ тузилади ва унинг биринчи йиғилиши 15 июль куни бўлиб ўтади. Шунингдек, террордек жиддий хавф билан ёнма-ён турган оммавий қирғин қуроллари ҳам дунёнинг энг етакчи мамлакатлари бошлиқларининг эътиборида бўлди. Ва бугун шундай қирғин қуроллари сирасига кирувчи ядро қуролига эга бўлган Шимолий Корея ҳамда ядро қуролига эга бўлишга интила бошлаган Эрон масаласида ҳам «G8» бир тўхтамга келди. Унда тезлик билан Пхеньян ва Теҳроннинг ядро дастуридан воз кечишларига эришиш ҳақида гап борди. Эрон билан ядро технологияси соҳасида устувор ҳамкорликка эришган Россия ҳам ўз раҳбари Владимир Путин орқали бундай алоқаларини тўхтатиб туришини маълум қилди. Бу ҳақда фикр билдирган президент Путин расмий Теҳрон МАГАТЭ ташкилоти билан қўшимча протоколларни имзоламагунига қадар Россия Эронга ядро ускуналарини етказиб бермаслигини маълум қилди. Бугунги кунда расмий Теҳрон ядро қуролларини тарқатмаслик шартномасини имзолаган давлатлар таркибига кирса, Пхеньян эса жорий йил аввалида ушбу шартномадан чиққан эди. Саммитнинг иккинчи кунини якунлаб, Мисрга йўл олган АҚШ президенти Жорж Буш эса ўз ҳамкасбларини Вашингтон Теҳронга нисбатан ҳарбий куч ишлатмайди, дея ишонтирди.

Жаҳон иқтисоди даражасини кўтариш ҳамда қашшоқ давлатларга ёрдам бериш ҳақида ҳам келишиб олган «Катта саккизлик» раҳбарлари 2015 йилга бориб сув муаммосидан азоб чекаётган аҳоли сонини бугунга нисбатан икки баробар камайтириш вазифасини ўз олдиларига мақсад қилиб олдилар. Шунингдек, Ироқдаги тикланиш жараёнлари ва янги ҳукумат тузиш, Яқин Шарқда «Йўл харитаси» режасини амалга ошириш борасида ҳам баёнотномалар қабул қилинди ҳамда биргаликда дадил қадамлар ташлаш лозимлиги таъкидланди. Ва келгуси йилги учрашув Америкада бўлишига келишиб олинди. Саммит кунлари эса Швейцариянинг Франция билан чегарадош Женева ва Лозанна, шунингдек, французларнинг Аннемас шаҳарларида 100 мингдан ортиқ антиглобалчилар норозилик намойишлари ўтказдилар. Уларнинг ҳаракатлари натижасида шаҳарлардаги магазинлар, шифохоналар, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа қатор муассасалар биноларига жиддий зарар етди. Намойишларни бостириш учун эса Франция, Швейцария, Германия полиция хизматларининг 15 мингдан ортиқ ходимлари жалб этилди. Маълумотларга кўра, тўқнашувлар вақтида гарчи жароҳатланиш ҳолатлари кузатилган бўлсада, лекин ҳалок бўлганлар йўқ.

1996 йил 1 сентябрда АҚШнинг Огайо Штатидаги Кенфилд ярмаркасида 72.000 та одам жамоавий рақсга тушишган.

* * *

1996 йил 25 январда Австралияда бўлиб ўтган миллий рақсда 5502 нафар инсон 6,28 дақиқа давом этган мусиқага рақсга тушишган.

* * *

ЭНГ. ЭНГ? ЭНГ!

1996 йил 15 июнда Англиядаги Христа мактабининг 4 нафар ўқувчиси 8 соат мобайнида 14975 жуфт оёқ кийимини тозалашга улгуришган.

* * *

1986 йил 3 сентябрда Англиядаги Икли шаҳрининг Халқаро марказида бўлиб ўтган танловда 8 нафар жамоа аъзолари оддий иш қуроли ёрдамида 2 соат 38 дақиқа 32 сония ичида қўйнинг жунини қирқиб, ундан ип йигириб, жемпер тўқиганлар.

Тўпловчи: Жаҳонгир ДОЛИЕВ
талаба

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Республика таълим маркази директори Гуландом Алимовага онаси **МУСТАҚИМА ая**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси методика маркази жамоаси Республика таълим маркази директори Гуландом Алимовага онаси **МУСТАҚИМА ая**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Iste'dod ham o'z-o'zidan yuzaga chiqavermaydi. Uning 99 foizi mehnat! Sabr-toqat, chidam, g'ayrat, izlanish, maqsad sari intilish, sinchkovlik, kuzatuvchanlik unda mujassamdir.

Mushuk egalari har oyda 15-20 rubl, itboqarlar esa katta-kichikligiga qarab 30-50 rubl miqdorida marhamat qilib soliq to'lashadi.

Ko'ngil bitiklari

ГУЛ ИШҚИДА

Гуллар ҳиди муаттар, дардга даводир,
Гуллар учун мен бемор, унга гадодир.
Табиб бўлиб сен ўзинг гулинг тутқазгил,
Дардим учун гулларинг асли аълодир.

Гул ишқида ёнаман кўзларим гирён,
Ҳазил олма сўзларим, эй азиз боғбон.
Табиб бўлиб, сен ўзинг гулинг тутқазгил,
Гулинг учун боғбоним, жонгинам қурбон.

Боғларингда кўп экан раъно гулларинг,
Бир-биридан муаттар унинг ҳидлари.
Завқим келиб ҳар оқшом боғлар кезаман,
Рози бўлсанг сен учун бир гул узаман.

Маҳкам МИРАҲМЕДОВ,
нафақадаги ўқитувчи

ҚУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

НОЁБ ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ КИМЛАР ЭДИ?

Қобилият Оллоҳ томонидан иньом этиладиган буюк неъматдир. Бирор фаолиятнинг муваффақиятли, мустақил ва ўзгача тарзда бажарилишини таъминлайдиган зўр қобилиятлар мажмуи эса истеъдод дейилади. Истеъдод шахснинг табиий ва ижтимоий муҳит таъсирида эришган ноёб хислатларида ҳам намоён бўлади.

У баъзида авлоддан-авлодга ўтади. Машҳур Бахлар сулоласининг беш авлодидан 56 нафар қобилиятли мусиқачи етишиб чиққан экан. Улуғ Навоий бобомизнинг, Александр Пушкиннинг тоғалари ҳам шоир бўлишган. Доғистоннинг улуғ шоири Расул Ҳамзатовнинг падари бузруквори Ҳамзат Расул ҳам авар адабиётининг классиги саналган. Забардаст озар ёзувчиси Юсуф Самаднинг отаси Самад Вурғун ҳам машҳур шоир бўлиб, шеърлари элликдан ортиқ тилга таржима қилинган. Оламга донг таратган, эр-хотин Кюриларнинг қизи Ирен ҳам ота-оналари каби Нобель мукофотига сазовор бўлган. Лекин ҳар доим ҳам бундай истеъдодлар бир ойладан чиқмаган. Масалан машҳур немис бастакори ва мусиқа танқидчиси Роберт Шуманнинг тўртта авлодидаги 136 кишидан фақат ўзи ва хотини Кларагина истеъдодли пианиночи бўлишган, холос. Уларнинг саккиз фарзандидан бирортаси ҳам мусиқага умуман қизиқишмаган. Гаприндашвилилар ойласида оила бошлиғи ўғилларининг бешови ҳам чемпион бўлишини истарди. Лекин бу шарафга фақат қизи Нонагина эришади, холос. Толстойлар авлодидан ёлғиз Лев Николаевичгина буюк бўлиб қолади. Айтматовлар сулоласидан ҳам фақат Чингиз оғагина дунёни забт қила олди.

Балки қобилият сири оилада, нечанчи бўлиб туғилишдадир? Тўнғич фарзандларга бу борада сахийлик қилинмаганмикин? Дунё бўйича машҳур 86 киши ҳаёти ўрганилганда улардан етти киши, яъни, инглиз шоири ва сиёсий арбоби Жон Мильтон (1608-1674), итальян рассоми, ҳайкалтароши, архитектори, олими ва муҳандиси Леонардо да Винчи (1452-1519), немис шоири ва публицисти, лирик ва сиёсий поэзиянинг устаси Генрих Гейне (1797-1856), немис бастакори, пианиночи, дирижёр Иоганнес Брамс (1833-1897), Нобель мукофоти соҳиблари олмониялик тиббиётчи-бактериолог олим Эмил Адольф фон Беринг, инглиз врачи ва олими Рональд Росс Амора, рус ёзувчиси Михаил Шолоховлар оилада биринчи фарзанд бўлиб туғилишган экан. Рус шоири Александр Пушкин оилада иккинчи фарзанд бўлиб туғилган, фламанд рассоми Питер Рубенс (1577-1640) еттинчи, Франция императори Наполеон Бонапарт (1769-1821) саккизинчи, немис бастакори ва дирижёри Карл Вебер (1786-1826) тўққизинчи, АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон (1732-1799) ўн биринчи, австриялик композитор Франк Шуберт (1797-1828) ўн учинчи, рус биологи Илья Мечников (1846-1916) ўн олтинчи, кимёгар Дмитрий Менделеев (1834-1907), Америка давлат арбоби, АҚШ Мустақиллик декларацияси (1776) ва 1787 йилги конституция муаллифларидан бири Бенжамин Франклин (1706-1790)лар ўн еттинчи бўлиб туғилишган. Демак, оилада нечанчи бўлиб туғилишнинг талантга алоқадорлиги йўқ, деган хулосага келсак бўлади.

Кўп олимлар истеъдод туғма бўлади ва у ўзини жуда эрта намоён қилади, дейдилар. Буюк Навоий бобомиз кекса шоир Мирзо Шоҳий билан хат ёзишганида, бир байт ғазали ила Мавлоно Лутфийни лолу ҳайрон қолдирганида 11 ёшда эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур тахтга ўтириб, давлатни бошқарганида бир мучални тўлдирганди. Тазйиқлар остида яшаб ижод қилган Усмон Носир бир драма, икки достон, бешта шеърий тўплам, бир неча ғўзал таржималарни қилиб ўзбек Лермонтови номини олишга сазовор бўлганида 24 га тўлмаган эди. Лев Толстой (1828-1910) ўзининг илк шеърларидан бир дафтар яратганида 8 ёшда эди. Соатлаб фортепьиано чалишдан толиқмаган, унга буни таъқиқлаганларида стол, эшик, дераза ойналарини чалиб бармоғини кесиб қўйиб, «нима қилай, бутун вужудимда фақат мусиқа янграйди», деб онажонисига ялинганда Пётр Чайковский (1840-1893) 7 ёшда эди. «Қонунлар билимдони» деб тан олинганда буюк бобомиз Абу Али ибн Сино 12 ёшда бўлган. Ҳадис илмининг султони Исмоил ал-Бухорий 70 минг ҳадисни ёд билганида 11 ёшда эди. Машҳур рус шоираси Анна Ахматова (1889-1966) биринчи шеърини эълон қилганида 11 яшар бўлган. Буюк шахматчи Капабланка (1888-1942) 4 ёшида бир партиянинг ўзидаёқ шахмат ўйинини ўрганиб олган. Унинг чизган сурватларидан ҳайратланган устози Верроккио бошқа қўлига мўйқалам олмасликка қасам ичганида Леонардо да Винчи (1452-1519), яъни, шогирди 10 ёшида эди. Кичкинтой Миша Лермонтов «пол-стол», «Кошка-окошка» деб сўзларни қофиялаштира бошлаганида эндигина тили чиқанди. Ғўдаклигида кўзлари ожиз бўлиб қолган француз тифлопедагоги Луи Брайль (1809-1852) кўрлар ёзувини яратганида 19 ёшида эди. Буюк асарларини Николай Добролюбов (1836-1861) 25 ёшгача яратиб қолдирди. Академик, Нобель мукофоти соҳиби Лев Ландау университет талабаси бўлганида атиги 13 ёшни қаршилаган бола бўлган. Моцарт (1756-1791) театрларнинг буюртмасига биноан опералар ёзганида эса 14 ёшда эди. Рафаэл Санти (1483-1520) 8 ёшида ижодга шўнғиган. Микеланжело (1475-1564) яратган эгам юқтирганини исбот қилганида 13 ёшида эди. Инглиз романтик шоири Жорж Байрон (1788-1824), немис классик адабиёти асосчиси Иоганн Шиллерлар ижод оламига дадил кириб келганларида 14 ёшда эдилар. Александр Пушкин бир-биридан гўзал шеърларини оқ қоғозга тушира бошлаганида 9 ёшда эди...

*Талант туғма бўлар экан, менсиз